



Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазирлиги
Муқимий номли Қўқон давлат
педагогика институти

***ЁШ ДАВРЛАРИ ВА
ПЕДАГОГИК
ПСИХОЛОГИЯДАН
АМАЛИЙ ВА ЛАБОРАТОРИЯ
МАШҒУЛОТЛАРИ***

Тузувчилар: М Шобекова, Д Солиева

Тошкент 2006

Такризчилар:

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти психология кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент, Ш.Дўстмухамедова,

Қўқон Давлат педагогика институти Педагогика-психология кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Р. Ашуров.

Қўқон Давлат педагогика институти махсус педагогика кафедраси мудири педагогика фанлари номзоди, доцент М. Толипов

Маъсул муҳаррир:

Қўқон Давлат педагогика институти Педагогика-психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди М.Зуфарова

Ушбу ўқув услубий қўлланма Қўқон давлат педагогика институти услубий кенгашининг 2006 йил июнь ойидаги №_____ сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ички фойдаланиш учун тавсия этилган

Мазкур ўқув қўлланмада ёш психологисидан амалий ва лаборатория машғулоти амалиёт даврида талабаларнинг психологиядан бажариладиган топшириқлари, илк ёшдаги болаларни таққослаш таҳлил қилиш ва белги нишонларига қараб предметни танлаш хусусиятлари, мактабгача ёшдаги болалар фаолиятини ўрганиш, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини индивидуал – типологик хусусиятлари, 5– 7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастури, ўқитувчиларга ўқувчилар билан бўладиган муносабатларда педагогик – психологик кўмак бериш усуллари, таълим жараёнида фойдаланиладиган ўйинлар берилади. Амалиётчи талабалар ва услубчи ўқитувчиларга мўлжалланган.

Муқаддима

“Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёт шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр илғор технологиялар ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч билим ва тафаккурда” деган бўлар эдим.”¹

И. А. Каримов

Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимиз самараси, тақдири –буларнинг барчаси авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрларни тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ.Шунинг учун ҳам ёш авлодни етук баркамол шахс қилиб тарбиялашда айниқса педагог-психологлар вазифаси жуда маъсулиятлидир.

Бўлажак ўқитувчидан олий ўқув юртида ўз мутахассислигини чуқур эгаллашдан ташқари ўқувчилар психикасидаги ёш ва индивидуал хусусиятларни фарқлай олиш, бола тараққиёти жараёнини кузатишдан тўғри психологик-педагогик хулосалар чиқара билишга ўрганиш, малакали мутахассис сифатида ўзлигини, ўз қобилиятини, индивидуаллигини, шахсий фазилати ҳамда ўз фаолиятида психологик билим, малака ва кўникмалардан самарали фойдалана олиш талаб этилмоқда. Бу муаммони талаб даражасида ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” муҳим ўрин тутди.Дастурни амалга оширишнинг сифат босқичига хос бўлган хусусият шундан иборатки, энди кўпроқ эътибор бевосита таълим-тарбия жараёнларининг субъектларига-педагоглар ва талаба ўқувчиларга, уларнинг муносабатларига ҳамда мазкур жараённинг иштрокчилари фаоллик жиҳатдан ҳам, манфаатдорлик нуқтаи назаридан ҳам, иштирокчилик улуши бўйича ҳам тенгдир, буни психологик таҳлил қиладиган бўлсак, том маънодаги “субъект-субъект”(S-S) тарзидаги ўзаро муносабатни шакллантиришда “Ёш давлари ва педагогик психология” фанидан ташкил этиладиган семинар ва лаборатория машғулотлари ҳам муҳим ўрин тутди. Шунинг назарда тутиб мазкур қўлланмада ёш психологиясидан семинар ва лаборатория машғулотлари ишланмаси, амалиёт даврида талабаларга бериладиган топшириқлар, илк ёшдаги болаларнинг таққослаш, таҳлил қилиш ва белги нишонларига қараб предметни танлаш хусусиятлари, мактабгача ёшдаги болалар фаолиятини ўрганиш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш дастури, ўқитувчиларга ўқувчилар билан бўладиган муносабатларда психологик-педагогик коррекциялаш усулларини баён этдик.

¹ И.А.Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти пойдевори” асари.

I Семинар машғулотлари.

Машғулотлар юзасидан умумий кўрсатмалар

Ёш давлари ва педагогик психология фанидан ўтказиладиган семинар машғулотлари ўтказилиши талабаларнинг мантикий фикрлаш, психологик фактларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мазкур соҳа бўйича олинган назарий билимларни амалиётда кўникмаларини шакллантиради. Таълим жараёнида ривожлантирувчи вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун семинар машғулотлари ўтказишнинг илғор методикаларини ишлаб чиқиш, машғулотларга алоҳида тайёргарлик кўриш ва ҳар бир талабанинг руҳиятига кириб бориш муҳимдир, чунки ҳар бир талабанинг ақлий тараққиёти, индивидуал хусусияти, қобилият ва имкониятлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари турлича бўлади, айтиб бериш хил натижага улар турли йўллар (усуллар) билан ва турли вақт ичида эришадилар. Семинар машғулотлари жараёнида барча талабалар фаоллигини ошириш учун машғулотларни бир неча хил усулда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда талаба маълумотларни тингловчиси ролдан аста-секин, босқичма-босқич уни ҳамкорликда эгаллаш функциясини бажарувчи тенг ҳуқуқли шерик даражасига ўтади, аввал тақлид, кейин идентификация ва охирида рефлексия йўллар, ўз-ўзини бошқариш билан янги билимларни ўзлаштириш фаолияти доираси кенгайди.

Бу машғулотлар жараёнида талабалар турли мавзуларда ўқилган маърузаларни тинглаб, аввал ўзлаштириб олган назарий билим ва тушунчаларини чуқурлаштириб, ўрганилаётган фаннинг илмий-назарий асосларига тегишли билим доираларини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар, ўзларининг ғоявий назарий тайёргарликлари устида ишлаб, ёш давлар психологияси соҳасидаги билимларини чуқурлаштириб борадилар ҳамда адабиёт манбаларидаги материалларни мустақил таҳлил қилишни ўрганадилар, фикр-мулоҳазаларни эркин ва илмий асосда баён қилиш маҳоратига эга бўладилар.

Семинар машғулотлар талабаларда дастлабки кўникма ва илмий изланиш малакаларининг ўсиб боришига ҳам ёрдам беради.

Семинар машғулотлар одатда тула ўқув гуруҳи билан ўтказилади.

Семинар машғулотларнинг режасини тузишда талабаларга маъруза курсининг қисмларига оид методологик ва назарий томонларни мумкин қадар тулароқ очиш, илмий адабиётлар билан мустақил ишлай олишга ўргатишни асосий мақсад қилиб қўйиш лозим.

Ҳар бир семинар машғулотнинг мазмунига бевосита тааллуқли бўлган адабиётлар кўрсатилади. Семинар машғулотларнинг режаси ва фойдаланиладиган адабиётлар камида бир ҳафта, ўн кун олдиндан тавсия қилиниши керак. Чунки талабаларнинг адабиётларни анчагина тулароқ ўрганиб, семинарларда сўзга чиқишлари учун тайёргарлик кўришларига имкон яратилиши зарур.

Семинар машғулотга таёрланишда талаба учун тавсия этилган адабиётларни сифатли конспектлаштира олиш, ундаги зарур ва муҳим, асосий

материалларни танлай билиш, танланган материалларни мантиқан бир-бирига боғлай олиш, семинар режасининг ҳар бир саволига ўзи тайёрлаган жавобни маъноли ва изчил баён қилиш малакаларини намоён қилиши зарур. Бу хил малакалар талаба фаолиятининг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Биринчи машғулот

Мавзу: Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг предмети.

Режа:

1. Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг предмети, мақсади, вазифалари, аҳамияти.
2. Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг келиб чиқиш тараққиёти.
3. Боланинг психик тараққиёти ҳақида Шарқ алломалари.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда ёш психологияси ва педагогик психология фанининг ўрганиш объекти, фан сифатидаги назарий ва амалий вазифалари, таълим-тарбия самарадорлигига эришишда фаннинг аҳамияти кўрсатиб берилиши керак.

Иккинчи саволда фан сифатида ёш давлари психологияси ва педагогик психологиянинг вужудга келиши, унинг ривожланиш тарихи, Россияда, чет элларда, Ўзбекистонда олиб борилган ва ҳозирги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берилади.

Учинчи саволда ўтмиш алломалари Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг бола тарбияси, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари, таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифалари, етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти туғрисидаги фикрлари баён этилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Абу Наср Фаробийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутолаа қилинг ва алломанинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:
 - а) инсонни камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти,
 - б) иродавий фазилатларни шакллантириш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.
2. Ёш даврлар психологияси ва педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.
3. Турли даврларда психик ривожланиш ҳақидаги талқинларнинг моҳиятини ёритиб беринг.
4. Фаннинг предмети, назарий ва амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

5. Ёш даврлар психологияси ва педагогик психологияда тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий методлари ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Ғозиев Психология.5-10, 32-37-бетлар. Тошкент.Ўқитувчи. 1999 йил.
2. М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология.Тошкент 2004 йил. 5-7бетлар.

Иккинчи машғулот.

Мавзу: Ёш психологияси ва педагогик- психология фанининг методлари.

Режа:

1. Ёш психологияси ва педагогик психология фанида тадқиқотларни ташкил этиш.
2. Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг методлари:
 - а) Кузатиш методи.
 - б) Эксперимент методи.
 - в) Анкета, суҳбат, тест, биография методлари.
 - г) Социометрик метод.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури

Биринчи саволда психологик тадқиқотлар жараёнинг асосий босқичлари-муаммонинг қўйилиши, тадқиқот методикасини танлаш, маълумотларни қайта ишлаш, қонуниятларнинг ифодаланиши, қонуниятни амалда қўллаш босқичларининг моҳияти очиб берилади.

Иккинчи саволда ёш психологияси ва педагогик психология фанининг илмий-тадқиқот методлари кузатиш, унинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўз-ўзини) кузатиш турлари эксперимент методи, унинг табиий ва лаборатория методларига ажратилиши; психологик-педагогик эксперимент, унинг асосий босқичлари фаразни илгари ечиш (гипотеза), методикани танлаш, экспериментни режалаштириш, олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, таҳлил этиш, изоҳлаш; анкета методи, унинг 3 тури; суҳбат, тест, биография, социометрик методларнинг моҳияти, методларни қўлланишида нималар эътиборга олиниши зарурлиги, аҳамияти ва камчиликлари кўрсатиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Психологик тадқиқотлар жараёни босқичлари.
2. Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг илмий-тадқиқот методлари.
3. Кузатиш ва эксперимент методлари ҳақида маълумот беринг.
4. Ёрдамчи методлар ва уларни қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Ғозиев Психология.11-31бетлар. Тошкент.Ўқитувчи. 1999 йил.

2. Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш давлари ва педагогик психология. Тошкент 2004 йил. 12-17бетлар.
3. В.А.Крутецкий Педагогик психология асослари. Ўқитувчи. 1976й 28-48бетлар.

Учинчи машғулот.

Мавзу: Психик тараққиёт ва таълим.

Режа:

- 1.Психик тараққиёт –боланинг ижтимоий тажрибани эгаллаш шарти эканлиги.
2. Психик ривожланиш шартлари биологик ва ижтимоий омиллар.
- 3 Психик тараққиёт назариялари ва Виготский таълимоти.
4. Шарқ мутафаккирлари томонидан ёш давларини босқичларга ажратиш.
5. Психолог олимлар томонидан ёш тарққиётини давларга булиш.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда тараққиётнинг моҳияти- сифат жиҳатидан янги хусусиятларнинг пайдо бўлиш эканлиги, тарққиётнинг умумий қонуниятлари- психик ривожланишнинг нотеккислиги, сензитив давлар, психика интеграцияси, пластиклик ва компенсация имкониятлари ҳақида маълумот берилади.

Иккинчи саволда инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида биогенетик ва социогенетик таълимотлар, биогенетик таълимот номаёндалари Э.Торндайк, К.Бюлер, Д.Дьюи, З.Фрейд фикрлари ва хатолари, социогенетик таълимот номаёндалари- К.Гельвецкий, Джон Локк фикрлари ва хатолари таҳлил этилади.

Учинчи саволда замонавий психологияда инсон шахсининг таркиб топишида уч омилнинг – ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, наслий хусусиятларнинг роли далиллар асосида изоҳлаб берилганлиги, тараққиётда таълимнинг мавқеи, таълимнинг етакчилик роли, Л.С.Виготскийнинг “психик тараққиётнинг энг яқин ривожланиш зонаси” тушунчасининг моҳияти, И.П Блонский фикрлари ва бошқа олимларнинг фикрлари баён этилади .

Тўртинчи саволда психологияда ёш давларини табақаланиши Шарқ мутафаккирлари томонидан муаммоларнинг ёритилиши, Ж.Пиажо, А.Валлон, Л.С.Виготский, Р.Б.Эльконин, В.А.Крутецкий, А.В.Петровский таснифлари, ҳозирги замон психологиясида ёш давларини табақалашнинг мазмуни очиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Психик тараққиётнинг омиллари, шартлари ва ҳаракатлантирув—чи кучлари ҳақида маълумот беринг?
2. Психик тараққиёт ва таълимнинг ўзаро муносабати дейилганда нимани тушунасиз?

3. Психик тараққиётнинг қонуниятлари нималардан иборат?
4. Етакчи фаолият дейилганда нимани тушунасиз?
5. Ёш даврларини таснифлаб бериинг?
6. Ёш даврларини табақалаш ҳақидаги турли назариялар ҳақида маълумот беринг?

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Э.Ғозиев Психология.32-49 бетлар. Тошкент.Ўқитувчи. 1999 йил.
- 2.М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология.Тошкент 2004 йил. 18-30 бетлар.

Тўртинчи машғулот.

Мавзу: Боғчагача ва боғча ёши даври психологияси.

Режа:

1. Гўдаклик даврида психик ривожланиш.
2. Эрта болалик даврида ақлий ривожланиш.
3. Боғча ёши даврининг психологик хусусиятлари.
4. Болаларни мактабга тайёрлаш.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда гўдаклик даврининг психологик таснифи, катталар билан эмоционал муносабат асосий етакчи фаолият эканлиги, Л.С.Виготский ва Д.В.Элькониннинг гўдаклик даврига берган баҳоси, гўдаклик даври хусусиятларини тадқиқ қилиниши – С.Даянс, А.В.Ярмоленко, М.Ю.Кистаяковская тажрибаларининг моҳияти, гўдакда мулоқот кўламининг кенгайиши ва нутқининг вужудга келиши ёритиб берилади.

Иккинчи саволда эрта болалик давридаги психик ўсиш- катталарга тобеликни камайиши, мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятининг ошиши, жисмлар билан ҳаракат қилишнинг нисбатан барқарор усуллариининг шаклланиши, акс эттиришнинг янги шакли-таъсирланишнинг таркиб топиши, аффеktiv туйғу хусусияти ва даражаси, ҳаракат билан сўзнинг боғланиши, мустақил фаолиятни амалга ошириш учун зарур шароит яратиш, болада нутқнинг шаклланиши, сўзлар пайдо бўлишининг хусусиятлари ва қонуниятларининг Т.Е.Конникова ва Д.Б.Эльконин тадқиқотлари, нутқ мулоқот курули сифатида, амалий ҳаракат тафаккурининг вужудга келиши ёритиб берилади.

Учинчи саволда мактабгача ёшдаги болаларнинг ўсишининг умумий шарт-шароитлари бу даврда тарбия жараёнидаги қийинчиликларнинг ташқи ва ички аломатлари, ўрни Н.А.Менчинская, В.С.Мухина, А.П.Ларин тадқиқотларида ўрганилиши, фаолиятнинг янги кўринишларининг (ролли уйинлар, ижодий, тасвирий, конструктив) ривожланиши, 2-сигналлар системасининг пайдо бўлиши, боланинг психик ўсишида уйиннинг аҳамияти, билиш жараёнларининг ривожланиши мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши баён этилади.

Тўртинчи саволда боланинг мактабга тайёргарлик даражалари- жисмоний, ақлий тайёргарлиги, кўргазмали-образли тафаккурнинг ривожланиши, боладаги мактабда ўқиш эҳтиёжи мотивларининг турли- туманлиги, мактабга шахсий ва ижтимоий тайёргарлик ҳақида гапирилади.

**Уч ёшгача бўлган болаларнинг психик ривожланишидаги асосий
янги ўзгаришлар**

Ёш даврлари	Билиши	Ҳаракати	Мулоқоти
3 ёш	Нутқнинг шаклланиши. Образли тафаккурнинг дастлабки нишонлари. Атроф муҳитдан ўзини ажратиши. қатъийликни англаши	Қўл предметли ҳаракатларнинг ривожланганлиги ўз хатти-ҳаракатларини иродави бошқаришнинг кўринишлари	Ўз-ўзини англашни юзага келиши. Дастлабки ахлоқий қоидаларни эгаллаши
2ёш	Фаол нутқини тушуниши ва ўзида юзага келиши	Қўл ва оёқ функцияларининг аниқ белгиланиши	Характер асосларини шаклланиши
1ёш	Нутқнинг тушунишнинг дастлабки белгилари	Мустақил ҳолда тик туриш ва юриш	Нутқни қўллашнинг дастлабки белгилари
10 ойлик			Боғлиқлик реакциясини юзага келиши, бегона муҳит ва бегоналар орасида
8 ойлик	Сенсаматор интеллектнинг юзага келиши	Таяниб юриш	Жест, мимика ва пантомимика ёрдамида новербал мулоқот
7 ойлик		Ёрдам билан туриши	
5 ойлик		Ёрдам билан ўтириши	

3 ойлик	Кўриш қобилиятини шаклланиши	Ён томонига ўгирилиши	Онанинг жилмайишига жавоб кайтариши
2 хафта	Онанинг товушини бошқа товушлардан фарқлаши		
1 хафта	Ҳаракатларни кузатиши		

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Гўдаклик даври, унинг туғма хусусиятлари ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Илк болалик давридаги мулоқотнинг психик жиҳатлари.
3. Илк болалик давридаги асосий фаолият тури.
4. Ёшдаги кризис: унинг сабаблари ва намоён бўлиши.
5. Илк болалик даврида шахс шаклланишининг психологик асослари.
6. Боғча ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари.
7. Боғча даврида бола шахсининг ривожланиши шарт-шароитлари.
8. Боғча ёшидаги бола фаолиятининг психологик хусусиятлари.
9. Боғча ёшдаги болада хулқ мотивларининг ривожланиши ва ўзига баҳо беришнинг шаклланиши.
10. Боғча ёшидаги болада билиш жараёнининг ривожланиши.
11. Боғча ёшдаги боланинг мактабдаги таълимга психологик тайёргалиги.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Э.Ғозиев Психология.32-49 бетлар. Тошкент.Ўқитувчи. 1999 йил.
- 2.М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология.Тошкент 2004 йил. 18-30 бетлар.

Бешинчи машғулот.

Мавзу: Кичик мактаб ёши даври психологияси.

Режа:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари.
2. Кичик мактаб ёши болаларининг ақлий ривожланиши.
3. Ўқув фаолиятининг хусусиятлари.
4. Бошланғич синф ўқувчилари шахсининг шаклланиши.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда бу даврда бола психикаси билим олишга етарли даражада ривожланганлиги, мактаб ҳаётининг бошланиши билан боғлиқ

психологик қайта қурилиш, атрофдагилар билан ўзаро муносабатларнинг ўрни, хатти-ҳаракат мотивларининг ўзгариши ҳақида маълумот берилади .

Иккинчи саволда кичик мактаб ёшида ўқувчилардаги сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ каби билиш жараёнларининг хусусиятлари ва ривожланиши, олиб борилган тадқиқотлар - А.А.Смирнов, Т.Н.Баларич, Р.Г.Натадзе, М.Г.Давлетшин, Ш.А.Дўстмуҳаммедоваларнинг тажрибалари ва натижалари таҳлил этилади.

Учинчи саволда мактаб таълими ўқувчисининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги ўрнини ўзгартириши, ўқитувчининг муомала ва муносабати услуби- авторитар, императив, демократик, либерал услубларнинг ўқув фаолиятини муваффақиятини ва муоммоларини белгилаб бериш ҳақида, ўқувчи фаолиятининг 3 кўриниши- жисмоний, психик, жисмоний фаолиятининг моҳияти ва аҳамияти очиб берилади.

Тўртинчи саволда-ўқув, ўйин, меҳнат фаолияти ва мулоқот жараёнида ўқувчи шахси ривожига бевосита таъсир этиши, мусобақага киришиш мотиви, ўз-ўзига баҳо бериш, мустақиллик хусусиятнинг шаклланиши, ақлий тушунчаларнинг шаклланиши, тарбиявий усулларни танлашда ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини, бунда ўқувчининг роли муҳимлиги кўрсатиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари.
2. Мактабга кжтимоий-психологик мослашув йўллари қандай?
3. Болалар интеллектуал ривожланишида кичик мактаб даврининг аҳамияти.
4. Ўқув жараёни давомида юзага келадиган муаммолар;
5. Кичик мактаб давридаги болалар шахси ривожига юзага келадиган янгилашлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Э.Ғозиев “Психология” Тошкент, Ўқитувчи. 109-133 бетлар
2. М.Г Давлетшин_ва бошқалар “Ёш даврлари ва педагогик психология”. Тошкент , 2004, 51-62 бетлар.

Олтинчи машғулот

Мавзу: Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари.

Режа:

1. Бола тараққиётида ўсмирлик ёшининг тутган ўрни.
2. Ўсмирлик даврида балоғатга эришишнинг жадаллашиш давридаги назариялар.
3. Билиш жараёнларининг ривожланиши.
4. Тарбияси қийин ўсмирлар.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда ўсмирлар тўғрисидаги умумий тушунча, ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч, ўсишнинг биологик ва психологик қонуниятлари, ижтимоий омилларнинг таъсири, таълим-тарбия шароитларининг муҳимлиги очиб берилади. Иккинчи саволда ўсишдаги жадаллашув-акселерация, ҳақидаги назариялар – гелиоген, гетерозия, урбонизация, нутритив, нурланиш, ижтимоий акселерация назарияларининг моҳияти, аҳамияти ва камчиликлари кўрсатиб ўтилади, таҳлил этилади. Учинчи саволда ўсмирларнинг ақлий комолоти, аналитик-синтетик фаолиятнинг жадал суратлар билан ривожланиши мавҳум ва танқидий тафаккурнинг, мустақил фикрнинг, нутқнинг диққат, хотиранинг тез ривожланиши, уларнинг инсон учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги, ўқитувчи ўқувчининг имкониятларини тўғри ривожлантишириш учун масъул эканлиги, нималарга эътибор қаратилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилади.

Тўртинчи саволда таълим ва тарбияда, турғунлик даврида йўл қўйилган хато ва камчиликлар туфайли ўсмирлик ёшида “тарбияси қийинларнинг” учраб туриши, уларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик сабаблари очиб берилади, улар билан ишлаш усуллари, “тарбияси қийинларнинг” типологик хусусиятлари ва уларни қайта тарбиялашда ўқитувчи роли, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамколигининг муҳимлиги кўрсатиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Ўсмирлик даврининг асосий психик хусусиятлари.
2. Ўсмирлик давридаги етакчи фаолият тури.
3. Ўқув фаолиятининг қайта тузилиши ҳамда ўсмирдаги билиш жараёнларининг ривожланиши.
4. Ўсмирлик даври кризиси, сабаблари ва намоён бўлиши.
5. “Тарбияси қийин” ўсмир хулқ атворидаги салбий хусусиятлар ва уларга психологик ёндашув.
6. Ўсмирлик ёшида индивидуал ёндашувнинг психологик жихатлари.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Э. Ғозиев “Психология” Тошкент, 1994 й., 133-186 бетлар
2. М.Г. Давлетшин ва бошқалар “Ёш даври ва педагогик психология” Тошкент, 2004 й., 63-67 бетлар
3. В.Каримова “Психология” Тошкент, 2000 й., 114-121 бетлар

Еттинчи машғулот
Мавзу: Илк ўспиринлар психологияси.

Режа:

1. Ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари.
2. Ўспиринларнинг ўқиш ва меҳнат фаолияти.
3. Ўспирин шахсининг шаклланиши.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда ўқувчининг ижтимоий жиҳатидан вояга етиши, унинг жамиятда тутган ўрни катталарга боғлиқлиги, ўспириннинг жисмоний ва жинсий тараққиёти, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ҳисларнинг ривожланиши, ўртоқлик ҳисларнинг ривожланиши И.В.Страхов ва А.А.Шнирман тадқиқотларида ўрганиши ёритиб берилади. Ўқувчининг эмоционал ҳолатидаги янги ҳолат – севгининг пайдо бўлиши, унинг бир қанча ҳолатларга – жинсий етилиш, дўстга эҳтиёж, табиий инсоний эҳтиёж ҳисобланиши, уни тўғри шакллантиришда ўқитувчининг роли муҳимлиги кўрсатиб берилади.

Иккинчи саволда ўспиринлик даврида ўқиш фаолияти билан меҳнат фаолияти бир хил аҳамият касб этиши, ўспириннинг ўқув машғулотида муносабати мазмун жиҳатидан фарқ қилиши, билишга оид қизиқишлар амалий хусусият касб этиши, фаол, мустақил, ижодий хусусият касб этиши, нутқ маданияти ривожланиши, тафаккурнинг маданияти ривожланиши, ўспиринларнинг ақлий ривожлантириш учун уларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштириш, билимларини онгли равишда ўстириш, самарали натижа бериши, Г.Е.Залееский тадқиқотлари орқали кўрсатиб берилади.

Ўспиринларни касбга йўналтириш, касбий кўникма ва малакаларнинг ўсиши интеллектнинг умумий ривожланиши билан боғлиқлиги, янги типдаги мактабларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.

Учинчи саволда ўспиринларда ўзини англашдаги силжишлар, турмуш, ўқиш, меҳнат, спорт фаолияти тақозоси билан намоён бўлиши, мураккаб шахслардаги муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳисси, ўз кадр-қимматини эъзозлаш, сезишга мойиллик хусусияти, ўспиринларнинг идеаллари, тўғри ахлоқий қизиқишлар, тасаввурларнинг таркиб топишида ўқитувчининг роли ва вазифалари кўрсатиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Илк ўспиринлик даврида психологик жараёнларнинг шаклланиш хусусиятлари.
2. Ўспиринликдаги ақлий ривожланиш билан етакчи фаолиятлар ўртасидаги боғлиқлик.
3. Умумий ва махсус лаёқатларнинг ривожланиши.
4. Ўспиринлик даврида касб танлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Э.Ғозиев “Психология” Тошкент, 1994 й., 156-178 бетлар
2. М.Г. Давлетшин ва бошқалар “Ёш даври ва педагогик психология” Тошкент, 2004 й., 74-86 бетлар
3. В.М.Каримова, Ф.А. Каримова “Психология” Тошкент, 2000 й., 16-45, 114-121, 129-153 бетлар.
4. Г.М.Андреева Социальная психология. Дарслик, М.,1998 й
5. Н.П.Аникеева Жамоадаги психологик муҳит Тошкент, 1992 й

Саккизинчи машғулот.

Мавзу: Таълим ва тарбия психологияси.

Режа:

1. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари.
2. Ўқиш мотивлари. Кўникма ва малакаларни шакллантириш.
3. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар, психологик шарт-шароитлар
4. Мустақиллик шароити тарбиянинг асосий вазифалари.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда ўқув фаолиятининг психологик моҳияти, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин назариялари, таълим самарадорлигининг психологик омиллари, билимларни ўзлаштиришда П.Я.Гальпериннинг ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясининг аҳамияти ва босқичлари атрофлича ёритиб берилади, таълимнинг ягона, қулай шароитларини яратиш мумкин эмаслиги, ноъанавий таълим усуллари кўллаш муҳим аҳамият касб этиши мисоллар ёрдамида асослаб берилади.

Иккинчи саволда кўникма ва малакаларнинг моҳияти ва аҳамияти, ҳаракат, сенсор, ақлий кўникма ва малакаларнинг барча фаолият турларини ўзлаштирилишидаги аҳамияти ва уларнинг моҳияти, кўникмаларнинг шакллантириш қонуниятлари, ўқув фаолиятини бошқаришнинг икки муҳим вазифаси, таркибий қисмлари очиб берилади.

Учинчи саволда шахсни шаклланишига таъсир этувчи омиллар-ташқи муҳит, наслий хусусиятлар, таълим-тарбиянинг аҳамияти ёритиб борилади, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширувчи психологик механизмлар кўрсатиб ўтилади.

Тўртинчи саволда миллий мустақиллик кишилар психологиясида туб ўзгаришларни вужудга келтирётганлиги, тарбия жараёнида ўтмиш меросимиздан, урф-одат ва анъаналардан фойдаланишнинг аҳамияти мактаб, оила ва жамоатчилик ҳаморлигининг самараси асослаб берилади, ёшларда шакллантирилиши зарур бўлган фазилатлар кўрсатиб берилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Ўқув фаолияти ва унинг элементлари нималарда иборат?

2. Таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш нимага боғлиқ?
3. Ўқиш мотивлари ва мотивацияга изоҳ беринг.
4. Ўқув фаолияти мотавациясининг манбаларига нималар киради?
5. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари нималардан иборат?
6. Таълим фаолиятига кўра тарълимнинг қандай методларини биласиз?
7. Кўникма ва малакалар таълим жараёнида қандай шакллантирилади ?
8. Ўқув фаолиятини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
9. Тарбия - бу қандай жараён?
10. Шахсни тарбиялашнинг асосий йуналишлари нималардан иборат?
11. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.
12. «Тарбияси қийин» болалар классификациясини келтиринг.
13. Тарбия жараёнининг самарадорлигини оширувчи психологик механизмлар нималардан иборат?
14. Тарбиянинг этнопсихологик масалалари қандай?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Э.Ғозиев “Психология” Тошкент, 1994 й. бетлар
2. М.Г. Давлетшин ва бошқалар “Ёш даври ва педагогик психология” Тошкент, 2004 й., 87-110 бетлар

Тўққизинчи машғулот.

Мавзу: Ўқитувчи психологияси.

Режа:

1. Педагогик қобилиятлар.
2. Ўқитувчи шахсининг касбига хос хислатлари.
3. Ўқитувчининг ўз малакасини ошириб бориш муаммолари.

Машғулот саволларига жавоб бериш дастури.

Биринчи саволда қобилиятларга ва педагогик қобилиятга таъриф берилади, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган компонентлар-таркибий қисмлар-дидактик, академик, перцептив, нутқ, ташкилотчилик, авторитор, коммуникатив, педагогик ҳаёл, диққатни тақсимлай олиш қобилиятлари моҳияти ва аҳамияти атрофлича ёритиб берилади.

Иккинчи саволда мустақиллик даврида ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига қўйиладиган ижтимоий талабларнинг ўсиб бораётганлиги, замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатлари атрофлича ёритиб берилади. М.Абдуллажонова, Т.Ҳамроқулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг ўқитувчи профессиограммасининг тахминий модулини аниқлаш имконини берувчи тадқиқотлари, мактаб ўқитувчи-мурббийси профессиограммаси кўриб чиқилади.

Учинчи саволда психологик нуқтаи назардан ўқитувчи доимий равишда ўз билимларини ошириб бориши зарурлиги, мустақил билим

олишнинг моҳияти ва аҳамияти, педагогик фаолиятнинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартини амалга оширишда ижтимоий психологик соҳаларни ривожлантириб боришнинг ўрни муҳимлиги кўрсатиб берилди .

Такрорлаш ва муҳокама учун саволлар.

1. Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифаларини ёритиб беринг.
2. Замонавий ўқитувчига қўйиладиган талабларни эслатинг.
3. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларини асослаб беринг.
4. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари ҳақида тушунча беринг.
5. Ўқитувчининг ўз малакасини ошириб боришнинг психологик муаммоларига изоҳ беринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Тошкент, 2004.111-126 бетлар.
2. Э.Ғозиев. Психология .Тошкент, 1994 й.,.195-198 бетлар.
3. Х.Узоқов ва бошқалар.Оила этикаси ва психологияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 й.,50-76 бетлар
4. Е.Акклимов. Психология профессионала. М., 1996 г.
5. А.Иброхимов ва бошқалар. Ватан туйғуси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997й.

АМАЛИЙ-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН УМУМИЙ МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР

Ёш ва педагогик психологиясидан амалий-лаборатория машғулотларига гўдаклик ёшидаги, илк (боғчагача) ёшдаги, мактабгача (боғча) ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиб чиқиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш киритилган. Бу машғулотларни турли типдаги болалар муассасалари шароитида олиб бориш кўзда тутилган, чунки айнан шу муассасалардаги болалар психологик тадқиқотнинг асосий объектидир.

Тадқиқ учун берилган ҳар бир топшириқни икки нафар талаба ёки педагогика билим юрти ўқувчиси бажаради. Уларнинг бири тадқиқотчи, иккинчиси қарор (протокол) ёзувчи ролини бажаради, Кўпинча роллар ўзаро алмаштириб турилади.

Тадқиқотни бошлашдан олдин болалар психологиясининг ҳар бир бўлимларига тегишли бўлган зарурий адабиёт материаллари билан чуқур танишиб, тадқиқот қайси ёшдаги болалар билан ўтказиладигаи бўлса, шу ёшга хос бўлган хусусиятлар ўрганиб чиқилади. Ҳар қайси экспериментал жуфтлар исталган ёшдаги иккита болани танлаб, улар билан текшириш ўтказилади ва психолог ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Психологик топшириқларни бажаришда текширилаётган ҳар бир бола учун алоҳида махсус дафтар тутиб кузатиш ва ўтказилган тажрибаларнинг натижалари ёзиб борилади. Сўнгра бу натижалар таҳлил қилиб чиқилади.

Қўлга киритилган миқдорий ва сифат кўрсаткичларга асосланган ҳолда илмий хулосалар чиқариб, улар асослаб берилади. Сўнгра ҳар бир тадқиқ қилинган бола тўғрисида олинган маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, умумий хулоса чиқарилади. Тадқиқот натижаларини умумлаштиришда қўлга киритилган фактлар ва маълумотларни ёш давлар психологиясининг назарий асослари билан боғлиқ ҳолда тушунтириб бериш керак. Мазкур тадқиқотларни мактабгача тарбия муассасарида ва бошланғич синфларда ўтказиш мақсадга мувофиқ

БИРИНЧИ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу. Илк ёшдаги болаларнинг предметни таққослаш, таҳлил қилиш ва белги- нишонларига қараб танлаш хусусиятлари.

Мақсад: илк ёшдаги боланинг айрим предметларга тааллуқли белгиларни мақсадга мувофиқ равишда таҳлил қила олиш ва ҳар хил предметлардаги ўхшаш белгиларни ихтиёрий равишда таққослаш хусусиятини аниқлаш. Таниш предметларнинг белгиларини англай олиш қобилиятларини текшириш.

Биринчи вазифа. Айнан бир хил бўлмаган, аммо ўхшашликка эга бўлган бир хил исмли 2 та предметни таққослаш. Уларнинг фарқи ва ўхшаш белгиларини топиш.

Эксперимент материали: бир-биридан 2-3 та белгилари билан фарқланадиган 2 та ёғоч кўғирчоқ ёки 2 та қуёнчалар. Тадқиқот методикаси: тадқиқотчи: «Диққат билан мана шу ёғоч кўғирчоқларга қараб менга айт-чи, уларнинг иккаласи бир хилми ёки бир хил эмасми?», - деб савол беради. Боланинг берган жавобидан сўнг: «Нима учун бу кўғирчоқларни бир хил (бир хил эмас) деб ўйлайсан?», — деб сўрайди.

Боланинг жавоблари қуйидагича чизма тасвирдаги қарорда қайд қилинади.

Биринчи қарор

Тадқиқотчи. _____

Қарор ёзувчи. _____

Текширилувчи. _____

Ёши _____

Сана _____

№	Тадқиқотчидан берилган топшириқ, таққосланувчи	Боланинг топшириқни бажариши			
		Материалнинг бир ёки бир хил эмаслигини тасдиқловчи жавоб	Фарқи белгилар	Ўхшашлик белгилари	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари
1	2 та ёғоч кўғирчоқ фарқли белгилари: ранги, катталиги ва ҳоказо				

Сўнгра тадқиқотчи боланинг жавобларига асосланиб, предметни қисмларга ажратиш, унинг қатор белгиларини фарқлаш ва уларнинг муносабатларини аниқлай олиш қобилиятлари ҳақида хулосалар чиқаради. Агар бола берилган топшириқни мустақил бажаришда қийналса, тадқиқотчи унга ўзининг қўшимча саволлари билан ёрдам бериб бажариши мумкин.

Иккинчи вазифа. Белги-нишонларга қараб предметларни таниш хусусиятларини аниқлаш.

Эксперимент материаллари: болаларга таниш бўлган предметлар: бодринг, помидор, лавлаги, тарвуз, олма, апельсин (парафиндан, мумдан тайёрланган) каби сабзавот, мевалардан болаларга таниш предметлар ёки уларнинг расмлари (3 - 4 та).

Тадқиқот методикаси: танланган предметларни кўрсатиб, тадқиқотчи боладан сўрайди: «Бу нима?». Сўнгра болаларнинг жавобини равшанлантирувчи: «Нима учун сен буни бодринг (тарвуз, ... олма) деб ўйлайсан, балки бу апельсиндир?», «Бунинг помидор (лавлаги...) эканлигини қандай қилиб билдинг?». деган саволлар беради.

Боланинг жавоблари ва ҳаракатлари қуйидагича чизма-тасвирдаги қарорда қайд қилинади:

Иккинчи қарор

Тадқиқотчи _____

Қарор ёзувчи _____

Текширилувчи _____

Ёши _____

Сана _____

№	Болани таниб олиши учун тавсия этилган предмет	Болани таниб олган предметининг номи	Таниб олишда фойдаланган воситалар (белгилар)	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари
1	Бодринг	Бодринг	Чунки яшил узунчоқ	
2	Тарвуз			
3	Лавлаги			

Учинчи вазифа. Предметларни намуна, нусхага қараб таниб олиш. Тадқиқот материали: намуна сифатида 1 та предметли расм ва яна бир нечта шунга ўхшаш расмлар.

Тадқиқот методикаси: тадқиқотчи битта намунавий расмни болага кўрсатиб, бошқа расмлар ичидан намунадагига ўхшаш бўлган 3 та расмни танлаб беришни ундан сўрайди. Бола танлаб бўлганидан сўнг: «Сен нима учун айнан шу расмларни танладинг?», деб сўрайди.

Тадқиқот натижаси қуйидагича чизма-тасвирли қарорда қайд қилинади.

Учинчи қарор

Тадқиқотчи _____

Қарор ёзувчи _____

Текширилувчи _____

Ёши _____

Сана _____

№	Тавсия қилинган намуна (раем)	Боланинг танлаган расмлари	Боланинг танлашни асослаши	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари

Тадқиқотнинг учала вазифаларининг бажарилиш натижалари асосида умумий хулоса чиқарилади.

Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг психологик хусусиятларини ўрганиш

Вазифалар:

1. Боғча ёшидаги турли группа болаларининг сюжетли- ролли ўйинларини кузатиш ва:
 - а) ўйиннинг номи, мазмуни;
 - б) ўйиндаги роллар ва уларнинг тақсимланиши;
 - в) ўйинда нималардан фойдаланилгани;
 - г) ўйиннинг қандай давом этиши ва мазмунининг қандай ўзгариб бориши;
 - д) шу ўйиннинг боланинг психик ривожланишига таъсирини аниқлаб, кундалик ёзинг.
2. Ўйинни ташкил қилиш, ролларни тақсимлаш ва унга раҳбарлик қилишда тарбиячининг ролига баҳо беринг ва ўз хулосаларингиз, тақлифларингизни ёзинг, тушунтириб беринг.
3. Боғча ёшидаги болаларнинг тасвирлаш, қуриш, ясаш, конструкциялаш ва меҳнат машғулотларини кузатиш ва анализ қилиш.

ИККИНЧИ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТ (АМАЛИЙ)

Мавзу. Боғча болаларининг ахлоқий тушунчаларни ўзлаштиришлари ва уларни ўз хатти-ҳаракатларида намоён қилишларини ўрганиш.

Вазифалар:

1. Болалар адабиёти материаллари (ҳикоялар, эртаклар) асосида шахснинг ахлоқий сифатлар ҳақида болалар билан:
 - а) нима яхшию, нима ёмонлигини;
 - б) софдиллик, чинсўзлик, адолатлилик, сахийлик ва ҳоказолар ҳақида суҳбатлашиб, болаларнинг жавобларини қарорда қайд қилиб бориш;
 - в) шахснинг ахлоқий сифатларини болаларда намоён бўлишини талаб қилувчи вазиятни яратиш.
2. Боланинг жавобларини унинг хатти-ҳаракатлари билан таққослаб, тегишли хулосаларни ёзиб боринг. Юритилган ёзувлар асосида болаларда ижобий ахлоқий сифатларни таркиб топтириш йўл-йўриқлари бўйича тақлиф ва мулоҳазаларни айтинг.

Социометрик метод ёрдамида болалар гуруҳида шахслараро муносабатларни тадқиқ қилиш

Тадқиқотнинг вазифаси. Боғча болалари ўртасидаги шахслараро муносабатларни, болаларнинг ўзаро муносабатларидаги қийинчиликларни,

айрим болаларнинг шахслараро муносабатга киришишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш йўллари аниқлаш.

Тадқиқот методикаси. Белгиланган вазифаларни ҳал қилнш учун аввал социометрик метод қўлланилади. Шу йўл билан болаларнинг шахслараро муносабатлари қандайлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидагича саволлар орқали болаларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб чиқилади.

1. Сен ким билан бирга ўйнашни истайсан? (Нима учун?)
2. Сен ким билан бирга стол безашни, тузашни истайсан? (Нима учун?)
3. Сен ўйинчоқларни ким билан бирга йиғиштиршни истайсан? (Нима учун?)
4. Сен туғилган кунингни нишонлашга кимни таклиф қиласан? (Нима учун?)

Текширилувчи ҳар қайси саволга ўрта боланинг номини айтиб, уни танлаш сабабини тушунтириб бериши керак. Бундай суҳбатдан ташқари эксперимент жараёнида тадқиқотчи болаларни турли фаолиятда кузатиш натижаларидан ва болаларнинг ота-оналарн билан ўтказган суҳбат натижаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижасини таҳлил қилиш. Аввало эксперимент натижаси миқдорий жиҳатдан ишлаб чиқилади. Текшириш натижалари қуйидагича кўринишли жадвалда акс эттирилади (I ва II жадвал):

I жадвал

№	Текшири- лувчи боланинг исми ва фамиляси	Гуруҳ рўйхатидаги болалардан ҳар бирининг неча марта танланганлиги														
		1-савол			2-савол			3-савол			4-савол			жами		
		1 танланиш	2 танланиш	3 танланиш	1 танланиш	2 танланиш	3 танланиш	1 танланиш	2 танланиш	3 танланиш	1 танланиш	2 танланиш	3 танланиш	1 танланиш	2 танланиш	3 танланиш

Шунингдек, олинган натижалар социограмма кўринишида ҳам акс эттирилган. Бунинг учун экспериментда қатнашган ҳамма болаларни миқдори ва танланиш тартибига қараб 5 гуруҳга бўлиш керак бўлади.

1-гуруҳга—I даражали танланган болалар («юлдузларни»)

2-гуруҳга —II даражали танланган (кўпчиликдан афзал) болаларни;

3-гуруҳга— III даражали танланган (ёқимли) болаларни;

4-гуруҳга — танлашга қолган (ёқимсиз) болаларни;

№	Текши рилувчи боланинг исми ва фамиляси							
		Сахий	Яхши	Уришмай ди	Ўйинчоғи ни бериб туради	Уйларни ўйлаб чиқади (ўйинга қўшади)	Қўшни яшайди (яқин жойда яшайда)	Бошқа сабаб лар

1-гуруҳга кирувчи болаларни (А - ўғил, О - қиз) тегишли белгилар билан марказий айлана орасига;

2-гуруҳга кирувчи болаларни биринчи (марказий) ва иккинчи айлана орасига;

3-гуруҳга кирувчи болаларни иккинчи ва учинчи айлана орасига;

4-гуруҳга кирувчиларни учинчи, тўртинчи ва хоказо айланалар орасига кўрсатилади.

5- гуруҳга — рад этилган (ҳеч ким бирга ўйнаш, бирга стол тузашни, туғилган кунга таклиф қилишни хоҳламаган, назардан қолган) болаларни киритиш лозим.

Қиз болаларни социограмманинг чап қисмига, ўғил болаларни ўнг қисмига жойлаштиринг. Бир томонлама танланган болаларни узук-узук (пунктир чизиқли) стрелка билан, ўзаро бир-бирини танлаган болаларни эса сидирға чизиқ билан кўрсатинг. Танлаш белгиларига қараб кичкина гуруҳларнинг сони ва миқдорини билиб олиш ва қиз болалар билан ўғил болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш мақсадида олинган маълумотларни пухта таҳлил қилинг.

Болаларнинг ўзаро танлаш мотивларини (сабабларини) аниқлаш учун ҳар бир бола билан индивидуал суҳбат ўтказинг. Болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир этиш ва ҳар бир боланинг (айниқса «ёқимсиз» ва бошқалар «менсимайдиган» болаларнинг) гуруҳдаги ахволини яхшилаш мақсадида бундай болаларнинг ижобий томонларини алоҳида таъкидлаган ҳолда тушунтиришлар олиб боринг.

Болаларнинг шахслараро муносабатлари нақадар мустаҳкамланганлигини ва тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини аниқлаш учун экспериментни 4-6 ойдан кейин яна такрорланг.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг муҳокама юритиш хусусиятлари

Вазифалар:

1. Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурининг психологик хусусиятларини тушунтириб беринг. Болаларда қайси ёшдан бошлаб муҳокама юритишнинг ривожланаётганлигини кўриш мумкин?
2. Болаларнинг сузувчи ва чўқувчи предметларни кузатишларини

ташкил қилинг.

3. Нима сувда сузади-ю, нима чўкади деган саволга уларнинг берган жавобларини қарорга ёзиб беринг.
4. Нима чўкиши, нима сузиши сабаблари тўғрисидаги болалар жавобларини жиддий таҳлил қилинг.
5. Болаларга сувнинг уч ҳолатда учраши мумкинлиги ва унинг сабабларига оид саволлар беринг.
6. Болаларга берилган саволлар ва уларнинг жавобларини қарорлаштириб, таҳлил қилинг ва болалардаги муҳокамали тафаккур ҳақида хулоса чиқаринг.
7. Болаларда психик процессларнинг ривожланиш даражасини аниқлашда кузатиш ва эксперимент методларининг қайси турларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Танлаган методларингизни асослаб беринг. Уларнинг самарадорлигини исботланг.

УЧИНЧИ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга педагогик-психологик характеристика ёзиш

Намунавий схема

Кузатиш учун уч нафар. (ҳаракатчан, сусткаш ва вазмин) болани танлаб, куйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилинг:

I. Умумий маълумотлар:

- а) Бола тарбияланаётган муассаса, гуруҳ;
- б) Туғилган куни ва йили;
- в) Фамилияси, исми, отасининг исми;
- г) Жисмоний камолоти ва саломатлиги;
- д) Қайси оиладан эканлиги, яшаш шароити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари;
- е) Шу муассасага қачондан қатнай бошлаганлиги,

II. Гуруҳ тарбиячиси ва болалар билан муомала муносабати:

- а) Боланинг гуруҳдаги обрўи, бошқа болаларни ёқтириши, шунингдек, уни ҳам бошқа болаларнинг ёқтириш-ёқтирмаслиги;
- б) Гуруҳда кимлар билан иноқ? Уларнинг иноқлиги нималарда кўринади?
- в) Болалар билан келиша олмай жанжаллашадими, нима сабабдан?
- г) Гуруҳда ўзини эркин ҳис қиладими, гуруҳдаги умумий ҳолат унга ёқадими, сабаби нимада?
- д) Ўзининг боғчага қатнаётганидан хурсандми?
- е) Гуруҳ тарбиячиси билан муносабати қандай, уни ёқтирадими, ҳурмат қиладими?

III. Боланинг фаолияти ва психик процессларининг ривожланиш даражаси:

- а) Кузатилган болаларнинг мушғулотлардаги активлиги;

- б) Боланинг сўз бойлиги, нутқининг образлилиги, эмоционаллиги, ифодалилиги, ўз фикрини оғзаки баён қила олиши, гапириш суръати ва овоз тони.
- в) Боланинг машғулотларга қизиқиши, қайси машғулотга кўпроқ қизиқиши.
- г) Бола диққатининг ихтиёрийлиги, тўпланиши, кучи, барқарорлиги ва тақсимланиши.
- д) Боланинг хотираси, эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга туширишнинг тезлиги, механик ёки мантиқийлиги.
- е) Боланинг тафаккури: таққослай олиши, таҳлил қилиши, умумлаштира олиши. ..
- ё) Уйин ва машғулотларда бола ҳаёлий образларининг намоён бўлиши.
- ж) Боланинг билишга интилиши, қизиқиши ва тиришқоқлиги.
- з) Тарбиячи томонидан берилган топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги.
- и) Болада тасвирлаш, меҳнат, бадий фаолиятларнинг қай бирига қобилият кучлироқ сезилади?— Бу ҳақда тарбиячи ва ота-онаси билан суҳбатлашиш орқали ҳам маълумотлар олиш мумкин.

IV. Боланинг интизими:

- а) Гуруҳдаги кун тартиби, интизом қоидаларига амал қилиши.
- б) Берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришга улгуриб борадими?
- в) Топшириқларни бажаришдан бош тортмайдими ёки қандай топшириқларни бажаришдан бош тартади?
- г) Гуруҳда тўполончими ёки вазмин-босиқ, осойиштами?

V. Боланинг характери ва темпераменти:

1. Боланинг характериға хос ижобий ва салбий ҳислатларни ифодалаб беринг. Ахлоқий ҳислатлари; зийраклиги, саҳийлиги, худбинлиги, кўполлиги, хуш муомалалиги, раҳм-шафқатлилиги, ёқимтойлиги, ёлғончилиги, чинсўзлиги ва хоказо.
2. Иродавий сифатлари: қатъийлиги, мустақиллиги ёки ёрдамға муҳтожлиги, ўз кучига ишониш-ишонмаслиги, кўнгилчанлиги, қатъятсизлиги, бўшанг-эринчоқлиги, сабр-тоқатлилиги, итоаткорлиги, қайсарлиги ва хоказо.
3. Темпераментига хос ҳислатлари: кузатилаётгани боланинг эрталаб боғчаға қандай суръат билан кириб келиши, болаларға қандай қўшилиб кетиши, бирға келган кишиси билан қай тарзда ажрашиши, мағулотда топшириқларни қай суръатда (ҳаммадан олдинми ёки ҳаммадан кейинми) бажариши. Тарбиячининг ёрдамиға муҳтожми ёки мустақилликка эғами?
4. Нутқ суръати, ҳаракатчанлиги, ҳиссиётларнинг пайдо бўлиш тезлиги ва ташқи ифодаси қандай? Қайфияти: қувноқ -хушчақчақлиги, тунд-ғамгинлиги, бадгумонлиги, ўзини четға олиб юриши ёки тегажоқ, апоқ-чапоқлиги, беғаразлиги, аразчилиги ва хоказо.
5. Болани темпераментнинг қайси типига кириши тўғрисида хулоса чиқаринг. Уларға қандай инднвидуал муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисида ўз маслаҳатларингизни ёзинг.

6. Кузатиб, ўрганганларингизга асосланиб, психологик-педагогик характеристика ёзинг.
7. Талабаларнинг болаларга ёзган психологик характеристикаларини муҳокама қилиш.

ТЎРТИНЧИ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Кичик мактаб ўқувчиларининг индивидуал-типологик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг мақсади: Тадқиқот қилувчи ўқувчининг умумий ҳаракатчанлиги, нерв процессларининг кучи, мувозанатлашганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш.

Тадқиқотнинг вазифаси:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи нерв фаолиятининг типини белгилаш.
3. Табиий эксперимент ўтказиш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг темпераментига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот методикаси:

Берилган топшириқларни бажаришга ўз вақтида улгура олмайдиган, аммо синфда унчалик қолоқ ҳисобланмайдиган 3 нафар ўқувчини уй вазифаларини бажартириш учун дарсдан сўнг синфда олиб қолинг. Уларга ҳамма предметлар бўйича уй ишларини бажаришни топширинг. Ўзингиз эса уларнинг ҳар бири уй ишини қандай бажараётганини кузатинг. Кузатиш натижаларини кундаликка ёзиб боринг.

Кузатишда қуйидагиларни ҳисобга олинг:

1. Дам олмасдан узоқ вақт ишлай оладими?
2. Иш устида унинг диққати барқарорми ёки беқарорми?
3. Боланинг чарчаш тезлиги ва чарчашнинг олдини олиши қандай?
4. Топшириқни бажараётганда боланинг хис-туйрулари (иш ютуғидан хурсанд бўлиш, муваффақиятсизликдан қайғуриш) аниқ намоён бўлаяптими?
5. Топшириқни бажараётганда боланинг ҳиссиётлари тез-тез ўзгариб турибдими ёки барқарорми?
6. Мақсадга эришиш учун қийналишга қандай бардош бераяпти?
7. Унинг ишидаги камчиликларни кўрсатганингизда ўзини босиқ тутадими ёки асабийлашадими?
8. Фаолиятга (иш бажаришга) тез киришадими ёки секин?
9. Бир топшириқни бажаргандан кейин бошқа топшириқни бажаришга тез ёки суст киришадими?

Тадқиқот натижасини таҳлил қилиш:

- а) ҳар қайси ўқувчида нега процессларининг кечиши;
- б) нерв процессларнинг мувозанатлашган ёки мувозанатлашмаганлигн;
- в) нерв процессларининг ҳаракатчанлик даражаси;
- г) бола ҳиссиётининг кучи ва барқарорлиги;
- д) боланинг умумий ҳаракатчанлиги.

Олинган маълумотларни такқослаб кўриб, ҳар қайси ўқувчининг олий нерв фаолияти ва темпераменти типини белгилашга оид хулоса чиқаринг. Таълим-тарбия процессида ўқувчиларга индивидуал муносабатда бўлиш йўл-йўриқлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингизни ёзинг.

Болага психологик характеристика ёзиш жадвали.

№	Текширилувчи боланинг исми ва фамилияси	Боланинг умумий ҳаракатчанлиги, нутқи, юриш темпи, хиссиётининг кўзғалиши ва ташқи ифодаси ирода хусусиятлари	Боланинг диққати, хотирасига хос хусусиятлар, фикирлаш фаолиятининг тезлиги ёки секинлиги.	Теварак-атрофга муносабатлари ва унинг ифодаси сезгирлиги ва ишлаш қобилияти.	Нерв системаси ва темпераментининг типини	Болага қандай индивидуал муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида тадқиқотчининг хулосаси

БЕШИНЧИ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Болалар боғчасида машғулотларни кузатиш ва уларнинг таҳлили

I. Машғулотни психологик кузатиш схемаси

1. Ясли-боғча №.....
2. Машғулот.....
3. Машғулот мавзуси.....
4. Ёш гуруҳи.....
5. Тарбиячи
6. Сана.....

Машғулот босқичлари ва вақти	Тарбиячининг машғулотдаги фаолияти	Машғулотда болаларнинг фаолияти	Машғулотда кузатилаётган психологик ҳодисаларнинг таҳлили

II. Машғулотга аналитик таъриф бериш схемаси

1. Тарбиячининг болаларнинг ўқув материални идрок қилишини ва уларда кузатувчанликни шакллантиришларини ташкил қилиши.-----
2. Болаларнинг диққатини жалб қилиш усуллардан фойдаланилади?

3.Машғулотда болаларнинг материални тушуниб эслаб қолишини таъминлаш учун тарбиячи қандай усуллардан фойдаланди?-----

4.Машғулот жараёнида болалар қандай асосий тушунча ва тасаввурларга эга бўлдилар?-----

5.Машғулотда болаларнинг қандай ақлий топшириқларни бажарганликларини психологик таҳлил қилинг.-----

6.Машғулотда болаларнинг онги қандай шаклланади?

7. Тарбиячининг ва болаларнинг нутқ фаолиятини таҳлил қилинг:

а) нутқнинг мазмундорлиги;

б) равонлиги;

в) ифодалилиги;

г) образлилиги ва ҳоказо.

8.Болалар талаффузи ва нутқидаги камчиликларга психологик характеристика беринг.

9.Тарбиячи таълимнинг қандай усулларида фойдаланди?

10.Машғулот материални баён қилишда тарбиячи болаларнинг ижодий ва тасаввур ҳаёлларидан қандай фойдаланди?

11.Машғулот давомида болаларда қандай ҳис-туйғулар ҳосил бўлди ва уларнинг сабаблари.

12.Машғулот давомида болаларда қандай иродавий сифатлар шаклланди?

13.Машғулот жараёнида болаларда қандай қизиқишлар ҳосил бўлди?

14.Тарбиячи қайси болалар билан индивидуал муносабатда бўлди?

15.Машғулот жараёнида тарбиячи ўзининг характер хислатларини қандай намоён қилди? .

16.Яна қандай фикр-мулохазаларингиз бор?

III. Машғулотга синтетик таъриф бериш схемаси

1.Машғулотнинг асосий мақсади.

2.Машғулотнинг ғоявий йўналиши.

3.Машғулот жараёнида болаларнинг хотира, тафаккур, идрок, ҳаёл процесслари қандай ўрин тутди?

4.Машғулотда болалар ақлий фаолиятининг қанақа усуллари шаклланди?

5.Машғулотда болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари қандай ҳисобга олинди?

6.Машғулотда болаларнинг фаоллиги ва интизоми қандай бошқарилди?

7.Тарбиячи машғулот ўтказишда қандай ютуқларга эришди ва қандай камчиликларга йўл қўйди?

8.Машғулотнинг самарадорлигини ошириш бўйича қандай таклиф ва мулохазаларингиз бор?

5-7 ЁШЛИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ДАСТУРИ².

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг келажаги кўп жихатдан ёш авлоднинг қандай тарбияланишига боғлиқдир. Бу ўз навбатида таълим тизимининг самарали ва серқирра усуллари билан белгилаш ва айниқса, кичик ёшдаги болаларимизни бошланғич мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш муаммосини ижобий ҳал этиш вазифасини қўймоқда.

Барчага маълумки, болани мактабда муваффақиятли ўқиши мактабгача тарбия давридаги тайёргарлик даражасига боғлиқ. Болани мактабда ўқишга-ҳаётнинг янги босқичига тайёрлаш унинг шахси ривожланишининг барча томонларини ўз ичига олади ва мактабгача тарбия даврида амалга оширилади. Мактаб дастурларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда мактабга келаётган болаларнинг ривожланиш даражасига талаблар ортиб бормоқда. Бу ривожланиш даражаси мактабда ўқишга тайёргарлик билан белгиланади.

Мактабга борганда бола ҳаёт тарзи ўзгаради. Унда атрофдаги одамлар билан янги муносабат тизими пайдо бўлади, фаолиятининг янги формалари шаклланади. Янги ҳаёт тарзи янги фаолият шакллари билан амалга ошириш учун болада иродавий тайёргарликни (болаларда ўз хулқини, билиш фаолиятини бошқаришни, уни ўқув малакаларига йўналтиришни билишлари лозим) тарбиялаш, ўзида ахлоқни, мотивацион тайёргарликни, ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини мужассамлаштирган психологик тайёргарликка аҳамият бериш лозим.

Шунингдек, болаларни мактабда ўқишга тайёргарлик уларнинг билиш фаолияти ривожланиши даражасига боғлиқ, билиш жараёнининг ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, болалар томонидан ўзлаштирилаётган билимлар сифати шунча яхши бўлади, Болани мактабда ўқишга тайёрлашда унинг ақлий жихатдан тайёрлиги 3 та асосий компонентдан, яъни: уни ўраб турган табиат одамлар ҳаёти, санъат дунёси ҳақидаги билимларни ўзлаштириш; унда хотира, диққат, нутқ ва тафаккур каби руҳий жараёнларнинг маълум даражада ривожланганлиги, ва ниҳоят, болада, ўқитувчилари айтганидек ўқиш фаолияти элементларидан иборат.

Болаларга табиат ҳодисалари ва атрофдаги ҳаёт ҳақида билимларни бериш ва уларга тегишли фикрларни шакллантириш, уларни мактабга тайёрлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Маълум даражадаги билим мазмунида фикрлаш сифатини таҳлил (анализ) қилиш, солиштириш, умумлаштириш қобилиятлари шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, тегишли билимларга эга бўла туриб, бола ақлий жихатдан ривожланмайди. Аммо кўпчилик мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга жавоб

² дастур “мактабгача таълим” журнаlining 2000 йил 7–8 сонларида профессор П.Р.Мўминова ва Д.А.Нуркелдиева томонидан тузилган.

бермайди. Болани мактабда ўқишга тайёрлашда ота-оналар, боғчадаги тарбиячилар иштирок этадилар. Болалар боғчаси дастурларида болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида аҳамият берилган. Лекин дастур фақат кўрсатмагина беради, холос. Болани мактабда ўқишга тайёрлашнинг такомиллаштирилган усуллари, йўллари ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият касб этмокда.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда республикамизда болалар боғчаси билиш даражасини белгилайдиган стандартлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмокда. Болаларни мактабда ўқишга тайёргарликлари стандартларини ишлаб чиқиш уларнинг ўқишга тайёргарликлари турли даражаларини аниқлашга имкон беради ва болаларни мактабга йўналтиришда дифференциация қилишга замин яратади.

Ушбу тайёрланган қўлланма "5-7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёргарликларини психолог-педагогик текшириш дастури" стандартлари ишлаб чиқилишидаги биринчи қадамлардан биридир. Дастур болалар боғчалари методистлари болалар тарбиячилари, психологлар, дефектологлар учун мўлжалланган.

Текшириш жараёнида экспериментатор суҳбат, кузатиш, савол-жавоб, баҳолаш усулларидан фойдаланилади.

Дастурда боланинг мактаб таълимига тайёрлигини текшириш учун методикалар пакети танланган ва 5-7 ёшли болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳар бир методика учун шкалали баҳолар системаси ишлаб чиқилган.

Ҳар бир методика 10 бўлимдан иборат.

1. Методика номи.
2. Методика муаллифи.
3. Методика нимани текшириш учун мўлжалланганлиги ҳақидаги изох.
4. Текшириш учун изох
5. Кўрсатма.
6. Текширишнинг бориши фаолият тури.
7. Текшириш натижалари.
8. Текширишнинг шкалали баҳолари.
9. Ёш нормалари.
10. Интерпретация.

Ҳар бир методика бўйича боланинг ривожланиш даражасини аниқлаш системаси ишлаб чиқилган. Ривожланишнинг куйидаги 5 та тури ажратилган.

- I даража — энг юқори
- II даража — юқори
- III даража — ўрта (норма)
- IV даража — паст
- V даража — жуда паст

Паст даражадаги болалар махсус қўшимча психоневрологик текширувдан ўтадилар. Психологик текширув натижалари болаларнинг

индивидуал текшириш картасига киритилади. Карта текшириш баённомаси натижалари асосида тўлдирилади.

Интеллектуал ривожланишни;

Тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари

Фикрлаш жараёнининг оқими, фаоллик, кетма – кетлик, исботлаш, сабаб – оқибат боғланишлари ва функционал алоқаларини ўргатиш.

Фикрлаш жараёнининг тартиби кетма-кетлигининг мураккаблашуви (анализ, синтез, ўхшашлик, таққослаш, мавҳумлик, умумлаштириш, тасниф).

Хулоса, яқун яшашдаги қийинчиликлар;

Фарқлаш, кераклигини ажратиш;

Белгиларни алмаштириш.

Кўргазмали ҳаракатли, кўргазмали образли, сўз-мантиқ тафаккур ҳолатлари. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари.

Хотиранинг ривожланиш хусусиятлари.

Эслаб қолиш, қайта эсга тушириш. Эслаб қолишда ироданинг, кўриш ва эшитиш хотирасининг ривожланиши.

Образли (кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билишга оид) хотира ва сўз хотирасининг (ўй-фикрларимиз мазмунига оид) муносабати. Оператив (қисқа муддатли) эшитув хотира ҳолати.

Фонематик эшитувнинг ривожланиши

Боланинг уларга қаратиб сўзлаган нутқни тушуниши, нутқий алоқа. Аналитик -синтетик, фонематик фаолиятининг ҳолати.

Математик тасаввурларни ривожлантириш

Предметларни санаш малакаси. Тўғри тесқари санашни тартиб билан бажариш. Предметлар билан оддий вазифани бажариш. "Кўп", "кам", "тенглик" тасаввурларининг мавжудлиги.

Хиссий-ирода соҳасини ривожлантириш хусусиятлари

Фаолиятга хиссий ёндашиш, ҳаракат, хиссий ҳолатда бўлиш. Индивидуал хиссий ҳолати.

Иродавий идора қилиш хусусиятлари

Маълум фаолиятда иродавий идора қилиш ва ўзини-ўзи бошқариш. Ишни охирига, етказиш, иродавий бўлишни, меҳнатга лаёқати, тадбиркорлик, мактабда ўқишга қатнаш, хоҳишларнинг мавжудлиги.

**Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги, умумий тасаввур,
малакаларининг шаклланганлиги.**

Предмет ва атроф муҳит ҳақидаги тасаввурлар. Тушунчалар. Инсон ҳақида тасаввурлар. Тасаввурларни расмда ифодалаш малакаси. Ҳаёда ориентировка қилиш малакаси, қабул қилиш қобилиятларининг ҳолати.

**ПСИХОЛОГИК - ПЕДАГОГИК ТАШҲИС ДАСТУРИ ВА УНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

**Психологик-педагогик диагностикалаш дастури қуйидагилардан
иборат:**

1. Бола ҳақидаги умумий анамнез маълумотларни ўрганиш.
2. Боланинг мактаб таълимига тайёрлик ҳолатини текшириш.
3. Боланинг мактаб таълимига тайёрлик ҳолати картасини тузиш.
4. Боланинг мактабга тайёрлик индивидуал хусусиятлари ҳақидаги ҳулоса.
5. Психологик-педагогик кўрсатмалар.

I. Бола ҳақидаги умумий анамнез маълумотлари.

Боланинг исми, фамилияси, яшаш жойи, ёши, бола қатнаётган мактабгача тарбия муассасаси кўрсатилади. Бола яшаётган оиланинг саломатлиги ва маиший шароити, рўзғор аҳволи белгиланади. Боланинг оиласига қисқача тавсиф берилади.

II. Боланинг мактаб таълимига тайёрлик ҳолати

Боланинг мактабга тайёрлик ҳолати унинг интеллекти, нутқи, ҳиссий – ирода соҳаларини тизимли равишда текшириш билан аниқланади. Бу соҳалар ўзига хос (тегишли) методикалар орқали ўрганилади. Ушбу методикалар орқали қуйидагилар текширилади:

- 1) боланинг психик ривожланиш даражаси;
- 2) болада зарур кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги;
- 3) боланинг мактаб таълимига бўлган муносабатининг ҳолати.

5-7 ЁШ БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛИГИНИ ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАЛАШ УЧУН МЕТОДИКАЛАР ПАКЕТИ.

БОЛА ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

(3-пунктдан доирага олинади)

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Манзили.
3. Жинси: Ўғил- 3,00 Қиз – 3,1(керага доирага олинади)
4. Ёши: 5-6 ёш - 4,0 6-7 ёш – 4,1
5. Болалар боғчаси: бормайди - 5,0 оммавий боғчага боради – 5,1 махсус боғчага боради – 5,2
6. Оила таркиби: тўлиқ оила - 6,0 онаси ажрашган -6,1. ёлғиз она – 6,2, онаси ва ўғай отаси – 6,3. отаси ва ўғай онаси – 6,4. бошқа қариндошлари – 6,5.
7. Оиладаги болалар сони: битта -7,0 иккита -7,1 учта -7,2 тўртта – 7,3 тўрттадан кўп – 7,4.
8. Отаси: ишламайди – 8,0 ишлайди – 8,1
9. Онаси: ишламайди – 9,0 ишлайди – 9,1
10. Оиланинг хўжалик-маиший ҳолати, шароити: ўртача, яхши эмас, қониқарли шароитлар.
11. Ота-онасининг соғлиги: Соғлом -11,0 Психозлар-11,1 Алкоголизм – 11,2 Гиёҳвандлик – 11,3 Ақли заиф – 11,4 Заҳм билан касалланган – 11,5 Эндокрин ёки юрак-томир касалликлари билан – 11,6 Бошқа касалликлар билан – 11,7
12. Боланинг соғлиги:
Соғлом – 12,0 Жисмоний ривожланишидаги нуқсонлар (бўйи, оғирлиги) – 12,1
Ҳаракатларнинг бузилиши (параличлар, парезлар қўзғалувчанлик, турли ихтиёрсиз ҳаракатлар – 12,2 Тез чарчаш, толиқиш – 12,3

БОЛАНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛИК ҲОЛАТИ КАРТАСИ

Даражалар

Боланинг мактаб таълимига умумий тайёрлик даражаси қўйидаги формула асосида келиб чиқади:

$$MT = \frac{D_x + D_m + D_{\phi} + D_{mat} + D_x + D_u + D_{tas}}{7} = \dots$$

Бу ерда:

D_x - хотира ривожланишининг умумий даражаси;

D_m - тафаккур ривожланишининг умумий даражаси;

D_{ϕ} - фонематик эшитишнинг умумий даражаси;

D_{mat} - математик тасаввурлар ривожланишининг умумий даражаси;

D_x – ҳис - ҳаяжон ҳолатининг умумий даражаси;

Ди - иродавий бошқарувнинг умумий даражаси;
Дмас - тасаввур, билимларнинг умумий даражаси.

Тафаккур						Хотира			Фонема тик эшитув		Математик тасаввурларнинг ривожланганлиги					Хисси ёт		Ирода		Тасаввур ва билимлар			Нуток бузули шлари		
I-1	I-2	I-3	I-4	I-5	I-6	I. Умумий даража	II-1	II-2	II-3	III-1	III-2	IV-1	IV-2	IV-3	IV-4	IV-5	V-1	V. Умумий даража	VI-1	VI-2	VII-1	VII-2	VII-3	бор	йўқ

МЕТОДИКА 1.1.

“Илон изи” (Озерецкий бўйича)

Кўрув ҳаракат координация баҳоси – бола интеллектининг бир операцияси сифатида. (Озерецкий методикаси ГМИ, 1928).

Жихоз: тест бланкалари, фломастер, секундамер.

Кўрсатма: доирачалар ўртасига тезда нукталар қўйиб чиқасан.

Бундай! (эксперимент ўтказувчи ўзининг қоғозида фломастер билан биттадан нукта қўйилишини кўрсатади).

"Тўхта" десам, дарров тўхтайсан.

- Доирачаларга нечтадан нукта қўямиз? - 1 тадан.

- Қандай бажариш керак? - Тез ва тоза.

- Тўғри, бошла.

Текширишнинг бориши:

Бу текширишни индивидуал тарздан ташқари 3-4 та боладан иборат бўлган гуруҳда ўтказса ҳам бўлади. Текшириш "тўхта" буйруғига 30 секунд давом этади.


Эслатма: 30 секунд давомида нукталарнинг умумий миқдори ва хатолар сони аниқланади. Доирадан ташқаридаги нукталар хато ҳисобланади. Вазифани бажариш муваффақияти коэффиценти.

$$\frac{П - П_1}{П} \quad П — \text{нукталар сони} \quad П_1 — \text{хатолар сони.}$$

Вазифанинг бажарилиш муваффақияти даражаси коэффицентдан аниқланади.

I - 1.00 III- 0,75 - 0,51 V - 0,25 - 0

II- 0,99- 0,76 IV-0,5 - 0,26



МЕТОДИКА 1.1

“Илон изи” методикаси бўйича текшириш протоколи

Фамилияси, исми ёши болалар муассасаси вазифани бажариш даражаси гуруҳ йил, ой, сана

МЕТОДИКА I. 2.

“4-си ортиқча”

Методика новербал даражадаги тасниф жараёнларини текширишга мўлжалланган,

Жихоз: 5 та турли расмлар тўплами. Ҳар бир тўпланда 4 та предмет расми тасвирланган бўлиб, расмлардан бири маълум белгиси бўйича ортиқча бўлиши лозим.

Кўрсатма: Расмларни диққат билан кўр. Бу ерда қайси предметнинг расми ортиқча? (Қайси предметнинг расми бу ерга мос келмайди?) Предметларни бир сўз билан қандай номлаш мумкин?

Текширишнинг бориши: Текширилувчига навбатма-навбат турли мавзудаги 5 та расм тўплами кўрсатилади.

1-расм тўплами: - “Сабзавот-мевалар”: олма, нок, сабзи, олхўри.

2-расм тўплами: “Ўйинчоқлар - ўқув қуроли”: машина, қўғирчоқ, пирамида, дафтар.

3-расм тўплами: “Кийим - кечаклар, пойабзал”: пальто, шиппак, шим, майка.

4-расм тўплами: - “Уй ҳайвони, ёввойи ҳайвонлар”: қўй, эчки, сигир, тулки.

5-расм тўплами: - “Жонли ва техник ҳаракат воситалари”; автобус, от, мотоцикл, такси.

Эслатма: Умумлаштиришнинг тўғрилиги баҳоланади ва умумлаштирувчи сўзни қўллаш олиши текширилади.

Ҳар бир вазифани бажариш баллар билан баҳоланади:

- керакли белги бўйича умумлаштириш -2 балл;

- умумлаштирувчи сўзни қўллаш - I балл;

Балларнинг максимал миқдори - 15балл.

Умумлаштириш шаклланганлигининг 5та шартли даражаси ажратилади:

I. 15балл

III. 11-9 балл

V. 5-балл

II. 14-12балл

IV. 8-6 балл

Методика-1.2

“4-си ортиқча” методикаси бўйича текшириш протоколи

Фамилия, исми

Ёши

Вазифани бажариш даражаси

Болалар муассасаси

Ой, кун, йил

.....

Расмлар номери	Керакли белги бўйича умумлаштириш	ум у м л а ш- тирувчи сўзни
қўллаш		

I - расм

II - расм

III - расм

IV - расм

V - расм

Баллар миқдори

Баллар бўйича якуний баҳо:

Вазифани бажариш даражаси I II III IV V (кераги доирага олинади)

МЕТОДИКА 1.3.

Вербал тафаккурни текшириш (Й.Йерасек бўйича).

Қўлланилиши: Саволларга жавоблар асосида боланинг мактабга тайёрлигини аниқлаш.

Жихоз: "Вербал тафаккури" тести варағи.

Текширилувчига кўрсатма: "Илтимос, менинг бир неча саволимга жавоб бер.

Текширишнинг бориши: Текширилувчига саволлар берилади, жавоблар куйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Шкала баҳолари: I даража - 24 ва юқори II даража - 23 III даража - 0-13 IV даража-(-1)-(-10) V даража — (-II)

Вербал тафаккури ривожланишини текшириш тести

Саволлар жавоблар (баллар)

		Тўғри	нотўғри	бошқа
1.	Қайси бири ҳайвон отми ёки ит?	0		-5
2.	Эрталаб нонушта қиламиз. Кундузи-чи?	0		-3
3.	Кундузи ёруғ, кечкурунчи?	0		-4
4.	Осмон мовий. Майсалар-чи?	0		-4
5.	Олма, анор, ўрик, олча нима?	+1		-1
6.	Булар нима - Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон? (шаҳарлар)	+1		-1
7.	Футбол, хоккей, волейбол, сузиш. Булар нима? (спорт) (ўйинлар, гимнастика, машқлар)	0		+3
8.	Сигирнинг боласи — бу, бузоқ, отнинг боласи - бу, тойчоқ қўйнинг боласи - бу, қўзичоқ биттаси айтилди	+4		-1
9.	Машинага нега тормоз керак? (бурилишда 1 та сабаб тормоз бериш, хавф пайтида тўхташ учун)	+1	1	0
10.	Болғача билан болға нимаси билан ўхшаш? (2 та умумий 1 та белгиси)	+3	0	2
11.	Мих билан винт нима билан фарқ қилади?	+3	0	+2
12.	Ит мушукка кўпроқ ўхшайдими ёки товукми? Ўхшашлиги нимада? мушукка товукқа	+1	-3	0
13.	Мушук билан олмахон бир-бирига нима билан ўхшайди?	+3 2та белги	0 1та белги	+2
14.	Транспорт воситаларидан қайсиларини биласиз? 3 таси номланди 3 таси тушунтириш ёрдамида	+4	0	+2
15.	Кекса киши ёш одамдан нимаси билан фарқ қилади?	+4 3та бел. айт.	0 2та бел. айт.	+2

Натижалар баҳоси:

1. 24 ва юқори — жуда юқори даража
- II. 14 дан 23 гача - юқори даража
- III. 0 дан 13 гача — ўртача даража
- IV 1 дан -10 гача — паст даража
- V. II ва қуйи — жуда паст даража

МЕТОДИКА 1.4.

"Нотўғри вазиятлар"

Методика билан фаолиятнинг ривожланиш даражасини аниқлашга мўлжалланган.

Жиҳоз: Нотўғри вазиятли расмлар.

Текширилувчига кўрсатма: "Расмларга диққат билан қара, нима нотўғри тасвирланганини айтасан".

Текширишнинг бориши: Текширилувчи 30 секунд давомида расмларни кўради ва нотўғри вазиятларни аниқлайди. (Нотўғри вазиятли 10 та расм бўлиши лозим).

Эслатма: Ҳар бир нотўғри вазиятни топгани учун 1 балл қўйилади. Қуйидаги шкала баҳолари билан даража аниқланади:

I- 10

II-9

III-7

IV- 5


V - 3 ва қуйи







Ушбу методика бўйича текшириш протоколи юқоридагиларидек тўлдирилади.

Вазиятлар

Баллар

1. Велосипеднинг тўртбурчак ғилдираги.
2. Терак дарахтида олмалар,
3. Чумчуқда 4 та оёқ бор.
4. Олма дарахтида тарвузлар турибди.
5. Она чойнак билан дазмоллаяпти.
6. Бир вақтнинг ўзида қўёш ва ойнинг туриши.
7. Дазмол сузаяпти.
8. Қуёш чарақлаб турибди, лекин қор ёғаяпти.
9. Боланинг боши ва қўли олдинга қараган, оёқлари эса орқага қараган.
10. Хўроз учаяпти.





МЕТОДИКА 1.5.

Нутқ ва тафаккур ривожланишининг ўзаро муносабатлари

Методика сабаб-оқибат боғланишлари хусусиятларини ва объект, ходисалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун қўлланилади. Боғланган нутқнинг ҳолати ҳам аниқланади.

Жиҳоз: 5 та сюжетли боғланган расмлар.

Кўрсатма: боланинг олдида 5 та турли вазиятли расмлар нотўғри равишда қўйилади: 2; 3; 1; 5; 4.

Расмларни вазият ривожланиши мазмунига биноан қўйиш таклиф этилади. “Расмларни тартиб билан қўй”. Текширувчи вазифани бажаради, экспериментатор бола фаолиятини кузатади.

Сабаб-оқибат боғланишлари, объект, ходисалар ўртасидаги муносабатларни тушуниш даражалари:

I даража: расмларни кетма-кетлиги бўйича хатосиз, қўшимча тузатишларсиз қўйди.

II даража: 1 та тузатиш киритди.

III даража: 2 та тузатиш киритди.

IV даража: 1 та хато қилди.

V даража: расмларни хато қўйди ёки вазифани бажаришдан бош тортди.

Сўнгра боладан расмлар асосида ҳикоя тузиш сўралади. “Рассом.... ҳақида расм чизибди. Шу воқеани сўзлаб беринг”. Бола рад этса, расмлар бўйича суҳбат олиб борилади, бу суҳбат ёзиб олинади, сўнгра таҳлил қилинади.

Боланинг оғзаки боғланган нутқини ривожланиш даражалари.

I даража: ҳикоядаги воқеаларнинг боғланиши - тўлиқ.

II даража: ҳикоядаги воқеалар қисман боғланади.

III даража: худди 2 даражадагидек ва экспериментатор саволларига тўғри жавоблар.

IV даража: предметларни ҳаракат, сифатларини айтиш.

V даража: предметларни номлаш.

Хулоса: сюжетни тушуниш даражалари ва нутқ воситалари орқали баён этиш даражалари таққосланади;

а) тўғри келади;

б) тўғри келмайди.

Агар даражалар тўғри келмаса, уларнинг номери қўшилиб, 2 га бўлинади. Масалан, боланинг расмларни мазмунига кўра тўғри жойлаштирганлиги 1 даража фаолиятидек баҳоланади, уларни сўз орқали тасвирлаш фаолияти - 2 даража, демак боланинг баҳоси - 1,5, яъни ўрта поғонада.

Хулоса:

1.5. Методика бўйича ўтказилган текшириш баённомаси ҳам юқоридаги методикаларникига ўхшаш бўлади.

Кераги доирага олинади Тушуниш даражаси	Оғзаки боғланган нутқнинг ривожланиш даражаси
I	I
II	II
III	III
IV	IV
V	V

МЕТОДИКА 1.6.

(Г.Ф. Кумарина методикасининг модификацияси)

Қўлланилиши: анализ- синтез қилиш қобилиятини кўриш орқали идрок қилишни ўрганишга қаратилган.

Жихоз: вазифа ифодаланган қоғозлар, рангли фломастерлар.

Тешпирилувчига кўрсатма: “Суратни, яъни шаклларни диққат билан кўр, уларни давом эттир ва фломастер билан бўя”.

Текширишнинг бориши: Шакллар биттадан, мураккабдан энгилга қараб берилади.

Эслатма: қайта тасвирлашнинг тўғрилиги, шаклларнинг ўрни ва орасидаги масофа, ранги, ҳажми эътиборга олинади.

Шкала баҳолари:


I даража - №1-вазифа бажарилади

II даража - № 2-вазифа бажарилади

III даража - № 3-вазифа бажарилади

IV даража - № 4-вазифа бажарилади

V даража - № 4-вазифани ҳам бола бажара олмади.



МЕТОДИКА 2.1

Ихтиёрсиз кўрув хотирасини текшириш

Қўлланилиши: методика ихтиёрсиз кўрув хотирасининг кенглигини аниқлашга ёрдам беради.

Жихоз: 10 та расмдан иборат тўплам.

1. балқ 2. челак 3. қўғирчоқ 4. болғача 5. китоб 6. чана 7. арча 8. пиёла 9. соат 10. телевизор

Текширилувчига кўрсатма: “Мен сенга расмларни кўрсатаман, сен уларни номла”.

Текширишнинг бориши: Расмлар бирма-бир кўрсатилиб, бола олдида қўйилади. Ҳар бир расмга 1 секунд вақт берилади. Расмларнинг барчаси номлангандан сўнг экспериментатор расмларни олиб қўяди. Текширилувчи кўрганларини айтиб бериши лозим. Тартиб катта аҳамиятга эга эмас.

Эслатма: Ҳар бир расмни туғри эслаб айтишга I балл берилади.

Шкала баҳолари:

I даража: 10 та тўғри номлаш

II даража: 9-8 та

III даража: 7-6 та

IV даража: 5-4 та

V даража: 3 ва куйи

Методика протоколи юқоридек тўлдирилади.

МЕТОДИКА 2.2.

Ихтиёрий кўрув хотирасини текшириш.

Қўлланилиши: Методика ихтиёрий кўрув хотира доирасини аниқлашга мўлжалланган.

Жиҳоз: расмлардан иборат 10 та тўплам.

1. Копток. 2. Олма. 3. Олча. 4. Сабзи. 5. Капалак. 6. Калпоқ. 7. Ўйинчоқ. 8. Лола. 9. Жўжа. 10. Машина..

Текширилувчига кўрсатма: “Сенга расмлар кўрсатаман, сен уларни номла ва эслаб қол”.

Текширишнинг бориши: Расмлар кетма-кет кўрсатилади. (Ҳар бир расм учун 1 секунд вақт берилади). Ҳаммаси кўрсатилгач, олиб қуйилади. Бола расмларни эслаб, номлаб бериши лозим. Тартиб катта аҳамиятга эга эмас. Протоколда ҳар бир тўғри эслаш ҳисобга олинади.

Эслатма: ҳар бир тўғри эсга олишга 1 балл берилади.

Шкала баҳолари:

I даража - 10 та тўғри номлаш

II даража - 9 |

III даража - 7

IV даража - 5

V даража - 3 ва паст

Методика протоколи юқоридагилардек тўлдирилади.

МЕТОДИКА 2.3

Оғзаки оператив (қиска муддатли) хотирани текшириш.

Қўлланилиши: Методика оғзаки материални бевосита эслаб қолиш ҳажмини аниқлаш имконини беради.

Жиҳоз: 10 та танланган расм.

1. Уй. 2. Қуёш. 3. Қарға. 4. Соат. 5. Қалам. 6. Сут. 7. Қор.. 8. Дераза. 9. Стол. 10. Китоб.

Текширилувчига кўрсатма: “Ҳозир мен сенга бир неча сўзни айтаман, сен уларни эслаб қолишга ҳаракат қил ва сўнгра такрорла”.

Текширишнинг бориши: Сўзлар аста секин (тахминан 1 секундда 1 та сўз) суръатда айтилади. Сўзлар бир маротаба ва аниқ равишда айтилади. Сўнгра сўзлар бола томонидан такрорланади (шу заҳотиёқ), сўзни такрорлашда тартиб аҳамиятга эга эмас.

Эслатма: Ҳар бир тўғри такрорланган сўз учун 1 балл берилади. Сўзларни ўзгартириш хато ҳисобланади. (Дераза, деразалар, уй, уйча).

Шкала баҳолари:

I даража - 10 та сўз тўғри такрорланган

II даража - 9-8

III даража - 7-6

IV даража - 5-4

V даража - 3 та ва кам айтилган сўзлар...

Оператив оғзаки хотирани текшириш (вербал хотира)
методикасининг протоколи

Фамилия, исми Ёши Болалар муассасаси Гуруҳи Йил, ой, сана
Вазифани текшириш даражаси.....

Тўғри айтилган сўзлар доирага олинади.

Таклиф қилинган сўзлар	Даража
1. уй	I - 10
2. Қуёш	II - 9,8
3. Карға	III 7,6
4. Соат	IV – 5, 4
5. Қалам	V - 3 та ва кам
6. Сут	
7. Стол	
8. Қор	
9. Дераза	
10. Китоб	
Баллар йиғиндиси	

МЕТОДИКА 3. 1

Фонематик эшитиш қобилиятини текшириш (Н.В.Нечаева бўйича)

Қўлланилиши: Фонематик таҳлилнинг ривожланиш даражасини ва товуш кодини товуш тизимига қайта кодлаш қобилиятини аниқлашга ёрдам беради.

Жихозлар: Қоғоз варағи, ручка, қалам.

Текширилувчига кўрсатма: “Ҳозир биз бир неча сўзни ҳарфлар билан эмас, балки доиралар билан ёзиб кўрамыз. Сўзда қанча товуш бўлса, шунча айланалар чизилади”.

Намуна кўрсатилади: “Чой”, айланалар чизамиз. Текширамыз. “000”

Текширишнинг бориши: Бола экспериментатор диктовкаси остида қоғозда доиралар чизади. Диктовка қилинадиган сўзлар йиғиндиси: Ау, гул, стул, юлдуз, дераза.

Таҳлил қилиниши: Вазифа тўғри бажарилганлиги қуйидагича бўлиши лозим:

00

000

0000

00000

000000

Шкала баҳолари:

I даража - Барча схемалар тўғри бажарилган.

II даража - 4 та схема тўғри бажарилган.

III даража - 3 та схема тўғри бажарилган.

IV даража - I -2 та схема тўғри бажарилган.

V даража - барча схемалар нотўғри бажарилган.

Фонематик эшитиш қобилиятини ривожланиш даражасини
текшириш методикасининг баённомаси

Фамилия, исми. Ёши. Болалар муассасаси. Гуруҳи. Йил, ой, сана
Вазифани текшириш даражаси.....

МЕТОДИКА 3.2
“Схема сўзларни ўқиш” (Н.В.Нечаева бўйича)

Қўлланилиши: Фонематик синтезлаш даражасини ва белги системасини товуш қаторига қайта кодлаш қобилиятини текшириш учун.

Жихоз: Вазифа ёзилган варағ, ручка.

Текширилувчига кўрсатма: “Сен ҳозир доиралар билан ёзилган (белгиланган) сўзларни аниқлайсан

МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ
ТЕКШИРИШ МЕТОДИКАСИ

Мақсад: Математик тасаввурларнинг ривожланганлигини текшириш.

Жихозлар: IV. 2. - расмли карточкалар: ёнма-ён тасвирланган 2 та кўзиқорин; горизонтал равишда қатор жойлаштириб тасвирланган 4 га арча 2 та ва 5 та қилиб жойлаштирилган 7 та копток гуруҳи расми; 3 тадан 3 гуруҳда тасвирланган 3 та пиёла.

- 20 та ҳисоб чўпи.

IV.3. - арча, олма, челак, гул, кўзиқорин, байроқча, копток, уйча (ёки экспериментаторнинг танлаши бўйича олинган расмлар) расмлар горизонтал равишда тасвирланган қоғоз.

- 20 та ҳисоб чўпи.

IV.4. - Геометрик шакллар: 10 та доирача, 10 та учбурчак, 10 та квадрат.

IV.5. Текширишнинг бориши: Текшириш индивидуал равишда қуйидагича олиб борилади:

IV. 1. Тўғри в тескари тартибда ҳисоблаш.

IV. 2. Сон ва миқдор нисбатлари.

IV.3. Тартибий ҳисоб.

IV.4. “Кўп” тушунчаси.

IV.5. “Кам” тушунчаси.

Вазифалар турли хил гуруҳдаги сонлар ва предметлар кўплиги (20, 10, 5 оралиғида), энг юқори даражадан (20) бошлаб борилади. Агар бола вазифаларни бажарса, текшириш тугатилади. Агарда нотўғри бажараётган бўлса, унда вазифаларни қуйироқ даражаси (10 ичида, зарурат туғилса 5 ичида ҳам) берилади.

Текшириш натижаларининг таҳлили: Ҳар бир вазифа даража бўйича баҳоланади (протоколда мос келадиган даража доирага олинади). Текшириш ўтказилгандан сўнг ҳар бир боланинг математик тасаввурлари ривожланишининг ўртача даражаси аниқланади.

IV.1. Тўғри ва тескари тартибдаги умумий ҳисоб.

	Тўғри тартибда	Тескари тартибда	Даража
20 гача	хатосиз	хатосиз	I
20 гача	хатосиз	1-2 хато	
10 гача	хатосиз	хатосиз	II
10 гача	хатосиз	1-2 та хато	III
10 гача	1-2 та хато	санамади	
5 гача	хатосиз	санамади	IV
5 гача	1-2 га хато	санамади	
вазифани бажаришдан бош тортди			V

IV.2. Сон ва миқдорлар нисбати.

20 гача хатосиз	20 гача 1-2 та хато 10 гача хатосиз	10 гача 1-2 та хато 5 гача Хатосиз	5 гача 1-2 та хато	5 гача 3-4 та хато
I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

IV.3. Тартибий ҳисоб.

20 гача хато	20 гача 1-2 та хато 10 гача хатосиз	10 гача 1-2 та хато 5 гача хатосиз	5 гача 1-2 та хато	5 гача 3-4 та хато
I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

IV.4 “Кўп” тушунчаси

Умумий	20 гача хатосиз	20 гача 1-2 та хато 10 гача Хатосиз			
Предметлар кўплигида			10 гача хатосиз	10 гача 1-2 та хато 5 гача хатосиз	5 гача 1-2 та хато
даражалар	I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

IV.5. “Кам” тушунчаси.

Умумий	20 гача хатосиз	20 гача 1-2 та хато 10 гача Хатосиз			
--------	--------------------	--	--	--	--

Предметлар кўплигида			10 гача хатосиз	10 гача 1-2 та хато 5 гача хатосиз	5 гача 1-2 та хато
даражалар	I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

МЕТОДИКА 4.1

Тўғри ва тескари тартибдаги умумий ҳисоб

Текширилувчига кўрсатма: “Сен санашни биласанми? Яхши санасанг керак-а? Қани марҳамат, санаб кўр-чи? Яхши, энди тескари тартибда санаб кўр-чи? 20 дан бошлаб (10 дан, 5 дан бошлаб). Мен бошлаб беришим мумкин: 20,19... қани давом эттир!”

Тўғри ва тескари тартибдаги умумий бўлган ҳисобни текшириш методикаси бўйича протокол

Фамилия, исми, Ёши, Болалар муассасаси, Гуруҳи, Йил, ой, сана,
Вазифаси текшириш даражаси 7

Боланинг жавоби ва даражаси айланага олинсин.

	Тўғри тартибда	Тескари тартибда	Даража
20 гача	хатосиз	хатосиз	I
20 гача 10 гача	хатосиз хатосиз	1-2 та хато хатосиз	II
10 гача	хатосиз	1-2 та хато	III
10 гача 5 гача	1-2 та хато хатосиз	санамади санамади	IV
5 гача	1-2 та хато	санамади	
вазифани бажаришдан бош тортиди			V

МЕТОДИКА 4.2.

Сон ва микдорлар нисбати

Текширилувчига кўрсатма: "Кел, энди сен билан ҳисоб чўплари ёрдамида санаймиз. Мана, бир боғлам чўп (17 дона). Сана, улар қанча экан?"

Жавоб тўғри берилган тақдирда: “Қараб тур, мен уларга бир неча чўп қўшдим (2 та). Санаб кўр-чи, улар нечта бўлди?”

Жавоб нотўғри берилганда: “Кел, биргаликда ўйнаймиз Мен сенга турли расмларни кўрсатаман, сен эса расмларда нималар тасвирланганлигини ва нечталигини айгасан. Сен ўйинга тайёرمىсан?”
- Мана биринчи расм. Нима тасвирланган? Нечта? Бу расмда нечта ва нима тасвирланган?(Кетма-кет кўрсатилади: 9та пиёла, 4та арча, 7та копток)

Сон ва миқдор нисбатлари тушунчасини текшириш бўйича
методиканинг протоколи

Фамилия, исми, ёши, болалар муассасаси, гуруҳи йил, ой, число вазифани текшириш даражаси. Боланинг жавоби ва даражаси доирага олинсин.

20 гача хатосиз	20 гача 1-2та хато 10 гача хатосиз	10 гача 1-2та хато5гача хатосиз	5гача 1-2та хато	5гача 3-4та хато
I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

МЕТОДИКА 4.3.
«Тартибий ҳисоб»

Текширилувчига кўрсатма: “Стол устига ҳисоб чўплари қўйилган. Сен ўн саккизинчи чўпни ол. У қандай рангда? Ўн иккинчи чўп қандай рангда!” Энди эса расмлар билан ўйнаймиз, фақат бошқалари, кичкинароқлари билан. Қара, уларда нималар тасвирланган? (10 та турли предметлар тасвирланган қоғоз варағи кўрсатилади). Уйча расми нечанчи бўлиб тасвирланган? Челак-чи? Қузиқорин-чи?

Тартибий ҳисоб ривожланганлигини текшириш протоколи

Фамилия, исми, ёши. Болалар муассасаси Гуруҳи, Йил, ой, сана
 Вазифани текшириш даражаси
 Боланинг жавоби ва даража доирага олинсин.

20 гача хатосиз	10 гача хатосиз	10 гача 3та вазифадан 1та хато	5гача хатосиз	5гача 3та вазифада 1та хато бош тортди
I даража	II даража	III даража	IV даража	V даража

МЕТОДИКА 4.4.
“Кўп” тушунчаси.

Текширилувчига кўрсатма: “Мен сенга сон айтаман, сен эса ундан кўп бўлган сонни айт. Тушундингми? Ўн олти,... ўн тўрт,... ўн, саккиз,....., беш,... уч,... Яша!” (Агарда бола тобора мураккаблашиб бораётган вазифани бажара олса, ўйин тўхтатилади).

"Мен бир қаторга бир нечта (7) учбурчак қўйдим, сен уларнинг тагига доираларни шундай қўйгинки, доираларнинг сони учбурчаклар сонидан кўпроқ бўлсин. Мен квадратларни қўйдим (8), сен эса улардан кўпроқ учбурчакларни қўй. Мен доираларни қўйдим (3), сен эса улардан кўпроқ квадратларни қўй. Мен квадратларни қўйдим, сен эса улардан кўпроқ учбурчакларни қўй”.

“Кўп” тушунчасини текшириш протоколи

Фамилия, исми, ёши. Болалар муассасаси даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, сана вазифани текшириш даражаси.

Боланинг жавоби ва даража айлана ичига олинсин..

Умумий	20 гача хатосиз	20 гача 1-2та хато 10 гача хатосиз			
Предметлар кўплигида			10гача хатосиз	10гача 1-2та хато 5гача хатосиз	5гача 1-2та хато
Даражалар	I	II	III	IV	V

МЕТОДИКА 4.5.

“Кам” тушунчаси

Текширилувчига кўрсатма: “Кел, ўйинни давом эттирамиз. Мен сонларни айтаман, сен эса ундан кичикроқ бўлган сонларни айтасан. Тушундингми? Йигирма,... ўн етти,....., ўн икки, ... , тўққиз, ..., етти, ..., тўрт,..., икки,... (ўйин бола вазифани бажара оладиган даражада тўхтатилади), Мен бир қаторга бир неча (8) чўпларни қўйдим, сен эса ундан камроқ чўпларни қўй.

Мен яна чўпларни (6) қўйдим, сен камроқ қўй.

Мен чўпларни (4) қўйдим, сен камроғини қўй. (Текшириш бола вазифани бажара оладиган даражада тўхтатилади, унинг натижалари эса протоколда қайд этилади).

“Кам” тушунчасини текшириш протоколи

Фамилия, исми. Ёши. Вазифани текшириш. Болалар муассасаси даражаси.

Гуруҳи. Йил, ой, сана.

Боланинг жавоби ва даража айлана ичига олинади.

Умумий	20 гача хатосиз	20 гача 1-2та хато 10 гача хатосиз			
Предметлар кўплигида			10гача хатосиз	10гача 1-2та хато 5гача хатосиз	5гача 1-2та хато
Даражалар	I	II	III	IV	V

МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Методикалар	IV.1.	IV.2.	IV.3.	IV.4.	IV.5.
Даражалар					
Математик тасаввурларнинг ривожланиш даражаси	$IV.1. + IV.2. + IV.3. + IV.4. + IV.5. =$ 5				

МЕТОДИКА 5.1.

Шахснинг жўшқинлик (таъсирчанлик) ҳолати (Люшер-Дорофеевнинг рангли тестининг модификацияси)

Жихоз: Ўлчамлари 3x3 см бўлган қизил, кўк ва яшил рангли квадратлар солинган 3та конверт. Планшет сифатида стандарт шаклидаги машина, ёзув варағи ёки оқ картон.

Қўрсатма ва тартиби: Текширилувчи оқ планшет устига рангли квадратларни ўз хоҳишига қараб қўяди. Топшириқ 3 марта кетма-кет бажарилади. Тест синовиди 3 кун давомида 5 марта ўтказилади.

1. Квадратлар солинган конвертлардан исталган биттаси олинади.

- Квадратларни кетма-кет қўй. Аввал сенга энг кўп ёққан рангдаги квадратларни қўй.

- Сўнгра шундай рангдаги квадратларни қўйгин-ки, у ҳам сенга ёққан бўлсин.

- Энди эса охирги квадратларни қўй.

2. Кейинги конверт олинади.

- Энди эса буларнинг барчасини ўзингга ёққан тартибда жойла.

Протоколда II қатор тўлдирилади. Квадратлар олиб қўйилади.

3. Охирги конверт олинади.

- Энди мана бу квадратларни жойла.

Протоколда III қатор тўлдирилади.

Боланинг ҳаракатлари протоколда қайд этилади, масалан:

№ тартиб рақами	Қизил(К)	Кўк(К)	Яшил(Я)
I	1	2	3
II	3	2	1
III	1	3	2

Тест синовлари муддати 1 минутдан ошмаслига лозим.

Таҳлил қилиш: Протоколда 3 қатор сонлар юзага келади. Натижаларни таҳлил қилиш ва интерпретациялаш 2- қатор сонлари бўйича ўтказилади (бизнинг мисолимизда бу: 3,2,1), чунки 1- қатордаги танловлар боланинг ориентировкалаш реакцияси билан, 3- қатор эса - адаптацияга боғлиқдир. Шунинг учун 2- қатор объектив бўлади.

Функционал ҳолатни қайтарувчанлиги унинг турғунлигидан далолат беради. Турғунлик даражаси даражалар қатори билан дифференцияланади.

НАТИЖАЛАРНИ ШАРҲЛАШ (ИНТЕРПРЕТАЦИЯЛАШ) ЖАДВАЛИ

	Рангли формула	Фумкционал ҳолат	Фумкционал ҳолатнинг изоҳи
№	1.	2.	3.
1	Қ-К-Я	Функционал кескинлик (ФК)	Сезгирлик кучайган ҳолат бўлиб, унга ориентировкали ҳислар, диққатни, фаолликни ортиши хосдир; бу функционал системанинг таъсир кўрсатишдаги оптимал вариантыдир.
2	К-Қ-Я	Функционал бўшанглик (Ф.Б)	Осойишталик, турғунлик ҳолати, ғайрат, қизғинлик талаб этмайдиган турли фаолият турлари учун энг оптимал ҳисобланади. Бу ҳолат яққол ифодаланган кечинмаларнинг йўқлигидан далолат беради.
3	К-Я-Қ	Функционал қўзғолиш (ФҚ)	Ижобий ҳисларнинг устунлиги, қониқиш, мамнунлик ҳисларидан жуда хурсандлик, завқланиш ҳисларигача бўлган ҳолат.
4	Қ-Я-К	Функционал тормозланиш (ФТ)	Эҳтиёжларнинг қониқмаганлиги оқибатидаги ҳолат бўлиб, у салбий ҳисларни (хафалик, қайғу) устунлигидан далолат беради. Ўзгаришлар доираси хафаконликдан то тушкунликкача, хавотирланишдан то безовталиқкачадир, организмнинг барча системаларини..... (кескинлиги).
5	Я-К-Қ	Аффектив қўзғолиш ҳолати (АҚ)	Ташвишли, бетоқатли ҳолатдан то ғазабланишгача бўлган ҳисларни ўзгариш доирасидаги фаол эффектлар.
6	Я-Қ-К	Аффектив тормозланиш ҳолати (АТ)	Ўзини йўқотиш, рухий тушкунликдан кўрқиш доирасигача бўлган кучли салбий ҳисларни устун бўлиши.
		Турғунлик даражаси	Ҳолатларнинг қайтарувчанлиги
		I II III IV V	5 марта 4 марта 3 марта 2 марта 1 марта

“Шахснинг жўшқинлик ҳолатини текшириш методикасининг протоколи”

Фамилия, исми. Ёши. Вазифани текшириш. Болалар муассасаси даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, сана.

5.1. натижалари

№ тартиб рақами	Қизил(Қ)	Кўк(К)	Яшил(Я)
I			
II			
III			

Рангли формула (II қатор бўйича):_____

Функционал ҳолат (II қатор бўйича):_____

5.2. натижалари

№ тартиб рақами	Қизил(Қ)	Кўк(К)	Яшил(Я)
I			
II			
III			

Рангли формула (II қатор бўйича):_____

Функционал ҳолат (II қатор бўйича):_____

5.3. натижалари

№ тартиб рақами	Қизил(Қ)	Кўк(К)	Яшил(Я)
I			
II			
III			

Рангли формула (II қатор бўйича):_____

Функционал ҳолат (II қатор бўйича):_____

ХУЛОСА

Функционал ҳолат	ФК	ФБ	ФҚ	ФТ	АҚ	АТ
Қайтарилишлар сони						
Энг катга сон айланага олинади						

МЕТОДИКА 6. 1.

“Доираларни бўяш”

Монотон фаолият тузилишида иродавий бошқариш даражасини аниқлаш учун методика.

Жиҳоз: Ўлчамни 1 тийинлик тангадек бўлган 15 та доирачалар контури чизилган тест варағи, фломастер (доирачалар бир қаторга чизилган).

Кўрсатма: Шу доирачаларни яхшилаб бўя.

Текширишнинг бориши: - Қандай ишлаш керак? — Тоза ва аниқ. — Бошла!

Индивидуал текшириш вақтида бола пала-партишлик қила бошласа ёки ишлашдан бош тортса, текшириш тўхтатилади.

Текшириш гуруҳ билан ташкил этилганда, барча доирачаларни бўяш сўралади, аммо иш натижаларини таҳлил қилинганда биринчи пала-партиш бўялган доирачагача бўлганлари ҳисобга олинади.

Таҳлил қилиш: Ҳар бир яхшилаб бўялган доирачага 1 балл берилади. Балларнинг максимал сони — 15 балл.

Иродавий бошқаришнинг 5 даражаси ажратилади:

I даража - 15 балл

II даража - 14-11 балл

III даража - 10-7 балл

IV даража - 6-4 балл


V даража - 3 ва кам

“Доирачаларни бўяш” методикаси бўйича текшириш протоколи
Фамилия, исми. Ёши. Вазифани текшириш. Болалар муассасаси даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, сана.....

МЕТОДИКА 6.2

Ишлаш қобилиятини текшириш протоколи

Фамилия, исми. Ёши. Вазифани текшириш. Болалар муассасаси даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, сана.



МЕТОДИКАЛАР 7. 1., 7. 2., 7. 3.
УМУМИЙ ТААССУРОТ ВА МАЛАКАЛАРНИНГ
ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ (Керн-Йерасек бўйича)

Қўлланилиши: Умумий таассуротларнинг шаклланганлигини аниқлаш мактабда ўқишга тайёрлик даражаси сифатида ва мактабда ўзлаштиришни эҳтимоллаш учун.


Қулларнинг майда ҳаракатларини, кўриш-ҳаракат координациясини, умумий интеллектual ривожланиш даражасини аниқлаш.

Жихоз: 2 та тест - вазифа, ручка (қалам).

Текширилувчига кўрсатма: Ҳозир сен бир неча топшириқни бажарасан, ҳаммасини аниқ, диққат билан бажаришга ҳаракат қил.

Текширишнинг борши: болага мустақил равишда расм солишга қоғоз ва 2 та топшириқнинг нусхаси берилади:

- 1.Эркак кишининг расмини чизиш.
- 2.Одатдаги ёзма ҳарфларни кўчириб ёзиш.
- 3.Бир гуруҳ нуқталарни кўчириб ёзиш.



Натижаларни таҳлил қилиш: Ҳар бир топшириқнинг натажаси 5 даражали система билан баҳоланади.

МЕТОДИКА 7. 1.

“Эркак кишининг расмини чизиш” методикасига кўрсатма.

Қандайдир бир эркак кишининг расмини чиз.

7.1. Топшириқни бажариш кўрсатмасидан сўнг ҳеч қандай тушунтириш, ёрдам ёки хато ва камчиликларга диққатни жалб этиш мумкин эмас.

Бола чизган расмини баҳолаш (расмга қаранг).

I даража - чизилган расм гавда, бошга, тана қисмига, қўл-оёққа эга бўлиши лозим. Боши бўйни билан бирлашган ва у гавдадан катта бўлмаслиги керак. Бошида сочи (улар бош кийими билан ёпилган бўлиши ҳам мумкин) ва кулоқлари бўлиши керак. Юзида кўзи, оғзи, бурни бўлиши лозим. Қўли беш бармоқ билан тугалланган, оёғининг пастки қисми бурилган бўлиши лозим. Қомат эркак киши кийимида бўлиши лозим. Қомат контур усули билан алоҳида қисмлари бир-биридан ажралмаган ҳолда тасвирланган бўлиши керак.

II даража - юқорида қайд этилган барча талабларнинг бажарилиши ва қуйидагиларнинг йўқлиги: бўйи, сочи, қўлининг бир бармоғининг йўқлиги. Расмда синтетик усулнинг мавжудлиги (ҳар бир қисмнинг алоҳида- алоҳида тасвирланганлиги).

III даража - гавда бошга, танага, қўл-оёқ қисмига эга бўлиши лозим. Қўл ёки оёғи, ёки иккаласи ҳам 2 та чизик билан ифодаланган. Бўйи,соchi, кулоға, кийимлари, бармоқлари, товонлари бўлмаслиги мумкин.

IV даража - бош ва гавда қисмидан иборат жуда содда расм. Қўл ва оёқлари фақат битта чизик билан ифодаланган.

V даража- гавданинг аниқ тасвири йўқлиги ёки бош ва оёқнинг тасвири. Ноаниқ чизиқлар.

“Эркак кишининг расмини чизиш” методикасининг протоколи

Фамилия, исми, ёши. Болалар муассасаси. Вазифани бажариш даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, кун ...

МЕТОДИКА 7. 2. га

“Ёзма ҳарфларни кўчириб ёзиш” кўрсатма

Бу ерда ёзилганларни кўриб чиқ ва уларни намунадагидек қилиб ёзишга ҳаракат қил.

Болалар томонидан бажарилган топшириқни баҳолаш;

I даража - намуна тўла, яхши ва аниқ қилиб кўчирилган. Ҳарфлар ўлчами намунадаги ҳарфлар ўлчамидан 2 мартадан камроқ катталиқда бўлиши мумкин. Биринчи ҳарф ўз баландлиги жиҳатидан намунадаги ҳарф баландлигига тенг. Ҳарфлар 2 та сўзга аниқ боғланган, кўчирилган жумла горизонтал жиҳатдан 30° дан ортиқ бурилмаган.

II даража - намуна аниқлик билан кўчирилган, лекин ҳарфларнинг ўлчами ва горизонтал чизиқ ҳолатлари эътиборга олинмаган.

III даража - аниқ икки қисмга ажратилган; жуда бўлмаса 4 та ҳарф нусхасини ажратиш мумкин.

IV даража - намуна билан 2 та ҳарф мос келади; намуна озгина бўлса-да қаторли ёзувни эслатади.

V даража - тушунарсиз, ноаниқ чизиқлар.

“Ёзма ҳарфларни кўчириб ёзиш” методикаси бўйича
текшириш протоколи

Фамилия, исми, ёши. Болалар муассасаси. Вазифани бажариш даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, кун ...

МЕТОДИКА 7. 3.

“Гуруҳдаги нуқталарни кўчириб чизиш”га кўрсатма

Бу ерда нуқталар чизилган. Уларни мана бу ерга (намунанинг ўнг томонига) худди шундай аниқ қилиб чиз.

Топшириқнинг натижасини баҳолаш:

I даража - нуқталар тўғри кўчирилган. Ижозат этилади: битта нуқтани қатор ёки устундан озгана четлашиши; намунадан 2 мартадан кўп бўлмаган даражада катта ёки кичик бўлиши. Расм намунага параллел бўлиши лозим.

II даража - нуқталар сони ва жойлашиши намунага мос келиши лозим. 3 тадан ортиқ бўлмаган нуқталарни қатор ва устун оралиғига сурилишига ижозат берилади.

III даража - расм умуман намунага мос келади, аммо кенглиги ва баландлиги 2 мартадан зиёд бўлмаслиги лозим. Нуқталар сони намунадаги нуқталар сонидан фарқланиши мумкин, аммо 20 тадан кўп ва 7 тадан кам


бўлмаслиги керак. Нуқталар турли бурилишларда, ҳаттоки 180° гача бурилган бўлиши мумкин.

IV даража - расмнинг контури намунага мос келмайди, лекин нуқталардан иборат. Нуқталар сони ва намунадаги ўлчами эътиборга олинмаган.


V даража — ноаниқ, тушунарсиз чизиқлар.

“Гуруҳдаги нуқталарни кўчириб чизиш” методикаси
бўйича текшириш протоколи

Фамилия, исми, ёши. Болалар муассасаси. Вазифани бажариш даражаси. Гуруҳи. Йил, ой, кун ...



Керн-Йерасекнинг одамнинг гавдасини чизиш бўйича “мактабга тайёрлик”ни аниқлаш тести. Сонлар - баҳолаш баллари.



(U non oldi)

Керн-Йерасекнинг ҳарфларни ва нуқта қаторларини кўчириб ёзиш хусусиятлари бўйича “мактабга тайёрлик”ни аниқлаш тести.

Сонлар - баллар (даражалардир)

МЕТОДИКА 8.1.
БОЛАНИНГ МАКТАБДА ЎҚИШГА МОТИВАЦИОН
ТАЙЁРЛИГИНИ ТЕКШИРИШ
(Диагностик суҳбат)

Жихоз: протокол - тестнинг варағи.

- Сенинг исминг нима?
- Ўзингнинг фамилиянгни айт?
- Сенинг ёшинг нечада?

- Вой, сен катта бола экансан!
- Демак, сен яқинда мактабга борасан.

Сухбатнинг мазмуни:

1. Сен ўқишни хоҳлайсанми?
2. Нега (хоҳлайсан, хоҳламайсан)?
3. Сен қаерда ўқишни истайсан?
4. Сен мактабга қачон борасан?
5. Сен мактабга қандай тайёргарлик кўраяпсан? Айтиб бер.
6. Сени ким ўқитади?
7. Ўқитувчи сени нималарга ўргатади?
8. Сен ўқувчи бўлганингдан сўнг уйда нима билан шуғулланасан?
9. Сенинг ўқишинингга уйда ким ёрдам беради?
10. Мактабда сен кимга ёрдам берасан?
11. Сени макташса, сенга ёқадими?
12. Мактабга борганингда сени ким мактайди?
13. Сени макташлари учун сен нима қилишинг лозим?
14. Сен қандай ўқишни хоҳлайсан?
15. Мактабда сен ўзингни қандай тутасан? Сўзлаб бер.

НАТИЖАЛАРНИ ШАРҲЛОВЧИ ЖАДВАЛ

1. Ха; хоҳлайман; жуда хоҳлайман;	Билмайман; балки; жим туриши; елкасини қисиши;	Хоҳламайман; йўқ, ҳеч қачон хоҳламайман
3	1	-3
2. Катта бўлишим; ақлли бўлишим; ўқиш, ёзишни ўрганиш учун...	Билмайман; ўйлаб кўрмаган; хоҳламайман ва бўлди!	Кескин инкор этиш
3	1	-3
3. Мактабда; мусиқа мактабида; спорт мактабида	Билмайман	Ҳеч қаерда; уйда; умуман ўқишни хоҳламайман
3	0	-3
4. Бир йил (2 йилдан) сўнг, кузда, 7 ёшга тўлганимда	Билмайман	100 йилдан сўнг, эртага ўқитувчи чақирганида
3	0	2
5. Портфель, жисмоний тарбия учун форма, ручка олиб беришди; ҳисоблашни ўргандим ва ҳарфларни биламан	Билмайман; ҳеч қандай!	Тайёргарлик кўрмайман, хоҳламайман

3	0	-3
6. Билади	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди
3	0	2
7. Ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш,...	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди
3	0	-3
8. Турли ишлар билан бирга дарс ҳам	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди Бошқа фаолият билан; ўйнаш (ўқиш фаолиятини эсламасдан)
3	2	1
9. Кимдир; бувиси, ойиси, акаси...	Билмайман	Менга ёрдам бериш керак эмас! Менинг ўзим ҳаммасини биламан.
3	2	1
10. Дўстимга, ўқитувчимга!	Билмайман	Ҳеч кимга!
3	0	-3
11. Ҳа	Билмайман	Йўқ
3	0	-3
12. Ўқитувчи, ҳамма...	Ойим ва бошқа оила аъзолари	Билмайман
3	2	1
13. Яхши ўқйш, интизомли, ахлоқли бўлиш	Бирортаси: масалан, яхши ўқиш	Билмайман
3	2	0
14. Яхши; аълога (ўқитувчим хурсанд бўлсин....)	Ҳар хил, қандай ўқий олсам шундай	Ҳеч қандай билмайман.
3	2	0
15. Интизомли хулқнинг бир неча белгилари	Битта белги	Билмайман
3	2	0
Жами:		
45	14	-14

Шундай килиб, максимал баллар сони - 45. Шунга асосан боланинг мактабда ўқишга мотивацион тайёрлигини аниқлаймиз:

I даража - 45 балл

II даража - 44- 35 балл

III даража - 34- 25 балл

IV даража - 24-15 балл

V даража - 15баллдан кам.

Кераклисини доирага олиб, балларни ўнг томондаги устунга ёзинг.

1. СЕН ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙСАНМИ? БАЛЛАР		
Ҳа; хоҳлайман; жуда хоҳлайман;	Билмайман; балки жим туриши; елкасини қисиши.	Хоҳламайман йўқ, ҳеч қачон
3	1	-3
2. НЕГА (ХОҲЛАЙСАН, ХОҲЛАМАЙСАН?)		
Катта бўлишим	Билмайман; ўйлаб кўрмаган, хоҳламайман ва бўлди	Кескин инкор этиш
3	1	-3
3. СЕН ҚАЕРДА ЎҚИШНИ ИСТАЙСАН?		
Мактабда; мусика мактабида; спорт мактабида	Билмайман;	Ҳеч қаерда; уйда; умуман ўқишни хоҳламайман
3	0	-3
4. СЕН МАКТАБГА ҚАЧОН БОРАСАН?		
Бир йил (2 йилдан) сўнг, кузда, 7 ёшга тўлганимда	Билмайман	100 йилдан сўнг, эртага ўқитувчи чакирганида
3	0	2
5. СЕН МАКТАБГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КўРЯПСАН?		
Портфель, жисмоний тарбия учун форма, ручка олиб беришди; ҳисоблашни ўргандим ва ҳарфларни биламан	Билмайман; ҳеч қандай!	Тайёргарлик кўрмайман, хоҳламайман
3	0	-3
6. КИМ СЕНИ ЎҚИТАДИ?		
Билади	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди
3	0	2
7. ЎҚИТУВЧИ СЕНИ НИМАЛАРГА ЎРГАТАДИ?		
Ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш,...	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди

3	0	-3
8. СЕН УҚУВЧИ БЎЛГАНИНГДАН СЎНГ УЙДА НИМАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАСАН?		
Турли ишлар билан бирга дарс ҳам	Жавоб беришдан бош тортди	Билмайди Бошқа фаолият билан; ўйнаш (ўқиш фаолиятини эсламасдан)
3	2	1
9. ЎҚИШИНГГА УЙДА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?		
Кимдир; бувиси, ойиси, акаси...	Билмайман	Менга ёрдам бериш керак эмас! Менинг ўзим ҳаммасини биламан.
3	2	1
10. МАКТАБДА СЕН КИМГА ЁРДАМ БЕРАСАН?		
Дўстимга, ўқитувчимга!	Билмайман	Ҳеч кимга!
3	0	-3
11. СЕНИ МАҚТАШСА СЕНГА ЁҚАДИМИ?		
Ҳа	Билмайман	Йўқ
3	0	-3
12. УҚУВЧИ БЎЛГАНИНГДА, КИМЛАР СЕНИ МАҚТАЙДИЛАР?		
12. Уқитувчи, ҳамма...	Ойим ва бошқа оила аъзолари	Билмайман
3	2	1
13. СЕНИ МАҚТАШЛАРИ УЧУН СЕН НИМА ҚИЛИШИНГ ЛОЗИМ ?		
13. Яхши ўқйш, интизомли, ахлоқли бўлиш	Бирортаси: масалан, яхши ўқиш	Билмайман
3	2	0
14. СЕН ҚАНДАЙ ЎҚИШНИ ХОҲЛАСАН ?		
14. Яхши; аълога (ўқитувчим хурсанд бўлсин....)	Ҳар хил, қандай ўқий олсам шундай	Ҳеч қандай билмайман.
3	2	0
15. МАКТАБДА СЕН ЎЗИНГНИ ҚАНДАЙ ТУТАСАН? СЎЗЛАБ БЕР.		
15. Интизомли хулқнинг бир неча белгилари	Битта белги	Билмайман
3	2	0
Баллардаги жами баҳо:		
Боланинг мактабда ўқишга мотивацион таърлигининг даражаси.		

БЎЎҒУСИ ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БЎЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАРДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК КОРРЕКЦИЯЛАШ (КЎМАК БЕРИШ) УСУЛЛАРИ.

Мавзуга кириш. Таълим ўқитувчи ва ўқувчини бир умумий мақсад йўлида бирлаштиради – у ҳам бўлса, таълимда юксак кўрсаткичларга эришиш. Бу узун ва шарафли йўлда устоз билан шогирд ўртасида бир-бирини тушунмаслик, ўзаро шахсий муносабатларнинг таранглашуви сингари маълум психологик тўсиқлар учраб туради. Ўқитувчиларга бериладиган қуйидаги билимлар уларга ўқувчилар онги ва хулқ – атворига мақсадли ҳолда таъсир қилиш, ўқувчилар билан самарали суҳбат олиб боришнинг психологик усуллари эгаллаш йўлида ёрдам беради.

ПЕДАГОГИК МУОМАЛАДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САНЪАТИ

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги таълим жараёнида содир бўладиган муомала педагогик муомала деб аталади. П.М. таълим самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Педагогик муомаланинг икки турини фарқлаш мумкин: шахсга тааллуқли Педагогик муомала ва билим беришга тааллуқли Педагогик муомала. Улар шартли ҳолда фарқланса-да, ҳаётда улар узвий боғлиқ. Педагогик муомалада маълум қийинчиликлар ҳам кузатилиб, улар таълим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Мақсадимиз Педагогик муомалада учрайдиган қийинчиликлар тўғрисида ўқитувчиларга маълумот бериш ва ўқувчилар билан ҳамкорликда уни муҳофаза қилиб, ўқитувчиларга қандай муомала камчиликлари борлигини аниқлаш. Қуйидаги машқларни ўтказган ўқитувчи ўзи устида ишламоғи ва ўзлигини англаб, педагогик муомаладаги камчиликларини тuzатмоғи зарур.

МАШҚ №1. “ПЕДАГОГИК МУОМАЛА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ”

Кўрсатма: “ҳозир сизлар ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида учрайдиган типик нутқий шаблонлар билан танишасиз. Сизнинг фикрингизча, ўқитувчингиз ишлатадиганларини қайд қилинг”.

Самарали педагогик муомалага ҳалақит берувчи, ўқувчиларнинг фаол тинглашига тўсқинлик қилувчи гаплар типларининг рўйхати:

1. Буйруқлар, топшириқлар: “Нима деётган бўлсам, ҳаммасини бажар” “Ҳозироқ ўрнингдан тур!” ва ҳ.к.
2. Огоҳлантириш, олдини олиш, кўрқитиш : “Ўзингдан кўр!”, “Ҳали чораклик чиқарганимда нима қилар экансан кўрамиз” ва ҳ.к.
3. Ахлоқий чақириқлар, ақл ўргатишлар, тавба-тазарру: “ўқиганда ҳам яхши ўқишинг керак!”, “Уялмайсанми?”, “Ота – онангнинг юзига қандай қарайсан?” ва ҳ.к.

4. Маслахатлар, тайёр қарорлар: “Сенинг ўрнингда бўлганимда, кечирим сўраган бўлардим”, “Сенинг ёшингда бизлар бундай қилган эдик”, “Ҳалиям айтганимни ўйлаб кўр” ва ҳ.к.
5. Танқид, айблов, танбех: “Сизларнинг синфингиздан бошқа нимани ҳам кутса бўларди!”, “Сен ҳамиша шунақасан!” ва ҳ.к.
6. Исбот, мантикий асослаш, “ақл ўргатиш”: “Сен мени тингламаганинг учун хатога йўл қўяяпсан!”, “хато қилмаслик учун каллани ишлатиш керак”, “Сенлар оилаларинг, уруғ – аймақларинг билан шундайсизлар!” ва ҳ.к.
7. Лақаб қўймоқ, устидан кулмоқ: “Мана бу “қахрамонни” кўриб қўйинглар”, “Энди навбат шалпангкулоққа”, “Нима ғилаймисан”, “Тилингни ютиб юборганмисан” ва ҳ.к.
8. Гумонсираш, шарҳлаш: “Нимага дарсдан кечикканингни яхши биламан”, “Биламан, алдаяпсан”, “Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур”, “Касаллик ҳам сени излаб топарканда!”, “Мен ҳар доим сендан шубҳаланиб юардим!” ва ҳ.к.
9. Сўраб билиб олмоқ, тергаш: “Яхшиси ўзинг айт, барибир билиб оламан”, “Айтсанг айтдинг, бўлмаса директорга айтаман”, “Сирингни менга айтмасанг, кимга айтасан”, “Қани бир бошдан ҳаммани олдида айтиб бер-чи!” ва ҳ.к.
10. Сўзда ҳамдардлик, насиҳат, кўндириш: “Бас қил! Қўрқинчли ҳеч нарса содир бўлмади!”, “Эътибор берма”, “Бу ерда сизларга мендан яқини йўқ”, “Мени десанг, шуни қиласан”, “Айтганимни қилсанг, охири яхши бўлади” ва ҳ.к.
11. Гапни ҳазилга айлантирмоқ, суҳбатдан қочмоқ: “Ҳозир вақтим йўқ, кейинроқ кел”, “Сенинг саволларинг тугайдими ўзи”, “Сал бўш кетсанг, бас, бошингга чиқиб олади”, “Ҳамма гапни жиддий қабул қиласанми?”, “Нима, ҳазилни тушунмайсанми?” ва ҳ.к.

МАШҚНИ ЎТКАЗИШ

Ўқитувчи (психолог) нутқий шаблонлар рўйхатини ўқийди. Сўнгра ўқувчилардан ўз фикрини айтишни, ўқитувчилар билан бўладиган мулоқотда шу шаблонлардан қай бирлари учраганлигини эслашни талаб қилинади. Уларнинг фикрларини умумлаштириб, ўқувчи ўзи (ёки ҳамкасабаси) ҳақида хулоса чиқаради. Ўзларида учрайдиган ўқувчилар билан бўладиган муомалага ҳалақит берувчи нутқий шаблонлардан қочишга интилади. Чунки мазкур шаблонлар педагогик таъсирни самарасиз қилиб қўяди, ўқувчилар билан ўқитувчилар ўртасидаги яхши муомала орасида “Хитой девори” бўлиб тушади. Демак, ҳар қандай педагог ўзида учрайдиган нутқий шаблонларни англаши ўқувчиларни тинглай ва тушуна билиши зарур.

Машқ №2 Фаразларни қайта такрорлаш орқали фаол тинглаш психотренинги.

Ўқитувчиларнинг педагогик жихатдан кам самара берадиган гапларининг тахминий рўйхати:

1. “Сен яхши ўқишинг керак!”
2. “Яна қанча беҳуда юрасан! Нихоят энди ўқиш билан шуғуллан”
3. “Шунча ахлоқлик қилганинг етар! Қани кўрайликчи, бугун қандай тайёргарлик кўриб келдинг!”
4. “Ойнани ким синдирди? Агар айтмасанглар бутун синфга “2” қўйиб бераман”
5. “Эртага дарс қилмай келсанг, ўзингдан кўр!”
6. “Қийшангламай ўтир!”
7. “Тўхтовсиз чалғиганинг сабабли хатоларни кўпайтириб юборибсан”
8. “Жим бўлмагунларингача тик тураверасизлар”
9. “Бетингга қарасанг даб – дуруст болага ўхшайсан, қилган қилиғингни қара”
10. “Оилангда тарбия кўрганмисан ўзи”
11. “Сенинг гапларинг мен учун бир пулга қиммат”
12. “Сенинг ҳайвондан нима фарқинг бор”
13. “Қош кўзингни бўяшнинг ўрнига ўқисанг бўлмайдим!”
14. “Туришингдан дев ҳам кўрқади”
15. “Энди одам бўлдинг деганимда, яна бошладингми?”

Машқни ўтказиш

Ушбу психотренингни ўқитувчилар ўзиларида ўтказадилар. Улар иккига бўлинадилар ва икки хил ролни – гапирувчи ва тингловчи ролларини ўйнашади. Гапирувчи ролидаги ўқитувчилар юқоридаги гапларни қўллаб тингловчилар билан муомала қилади. Гапларнинг маъносига қараб уларни талаффуз қилади. Шундан сўнг улар жой алмашадилар. Яна дарс ўтилади ва энди кейнгилар тингловчиларга дарслари жараёнида юқоридаги гапларни қўллайди.

Айрим хулосалар

- Педагогик муомила санъатини эгаллаш учун педагог самарали муомалага ҳақиқат берувчи гапларни ўрганиб чиқиши ва ўзида ушардан қайси бирлари учрашини англаб олоғи зарур.
- Ҳар бир педагог ўзидаги ва ўз педагогик муомаласидаги камчиликлари юзасидан ўқувчилар билан ошкора мулоқот ўтказиши лозим.
- Психологик педагогик жихатдан кам самара берадиган фразалар рўйхатига эга бўлмоқликлари керак ва ўзларини устиларида психотренинглار ўтказишлари лозим

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А. В. Батаршев. Тестирование. М. Дело 2001.
2. Практикум по спортивной психологии. С.Петербург Питер, 2002

Психологик иқлим (ПИ) шахслар аро муносабатларнинг сифат томонини акс эттириб, гуруҳда шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ва ҳамкор фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омиллар тўплами кўринишида юзага чиқади. Қулай психологик иқлимнинг муҳим белгиларига

қуйидагиларни киритиш мумкин:- гуруҳ аъзоларининг бир-бирига бир-бирини тушуниши ва х.к.ишончи ва юксак талабчанлик, соғлом ва ишга тааллуқли танқиднинг мавжудлиги, раҳбарларнинг ходимлар билан муносабатни тўғри ташкил этиш.

Синфдаги психологик иқлим

Синф социал гуруҳлардан бири ҳисобланади. Синфдаги психологик иқлимни аниқлайдиган омиллар бошқа гуруҳлардагилардан фарқланади. Синфдаги психологик “обҳаво” авваломбор, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида муносабатлар орқали аниқланади. Бундан ташқари, «ўқитувчилар жамоаси», «мактаб маъмурияти “мактабдаги ота – она” деб аталадиган омиллар психологик иқлимга таъсир қилади. Шундай қилиб, психологик иқлим педагогик жамоадаги ўзаро муносабатларни ҳиссий-эмоционал томонларни акс эттиради. Ижобий педагогик иқлим (ПИ) синфда амалга ошириладиган барча ўқув-тарбиявий ишларнинг самарали кечиши учун асос бўлади. Салбий ПИ эса аксинча таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир синфдаги ПИ ни аниқлаш, унинг ижобийлиги салбийлигини ўрганиш ўша синфдаги ўқув-тарбиявий ишларни амалга оширишда қўл келади. Психологик методика. Педагогик коллектив ҳисобланган синфнинг психологик иқлимини ўрганишда ҳар бир ўқитувчи Л. Н.Лутощкиннинг карта чизмасидан фойдаланиши мумкин, варақнинг чап томонига яхши ПИ ни аниқлайдиган сифатлар, унинг томонига эса ёмон ПИ ни кўрсатувчи сифатлар жойлаштирилган. У ёки бу сифатларнинг фойдаланганлик даражасини етти баллик шкала ёрдамида аниқлаймиз. Бу шкала варақнинг марказига қуйидаги кўринишда жойлаштирилади:

+3 +2 +1 0

-1 -2 -3.

Кўрсатма: Карта чизмадан фойдаланишда аввалига чап томондаги, сўнгра ўнг томондаги сифатлар билан танишилади. Шундан сўнг ўртадаги шкаланинг бетига балидан қайси бирига сизнинг фикрингиз мос тушса, ўша балл тўғрисида «+» белгиси ёзиб қўйилади. Шу ўринда баҳолар қуйидагиларни аниқлатади. +3 - чап томондаги сифат бўлиб, жамоада ҳар доим юзага чиқади;

+2 - сифат аксарият ҳолларда юзага чиқади;

+1 - сифат етарли даражада тез-тез учрайди;

0 - ёки иккала томондаги сифатлар учрамайди, ёки бир хил даражада учрайди;

- 1 - салбий сифат тез-тез кўзга ташланади;

- 2 - сифат аксарият ҳолларда учрайди;

- 3 - сифат ҳар доим кўзга ташланади;

Ижобий хусусиятлар	+3	+2	+1	0	-1	-2	-3	Салбий хусусиятлар
Тетик ва қувноқ кайфият ҳукумрон								Тушкун ва умидсиз кайфият ҳукумрон
Ўзаро								Ўзаро

муносабатларда дўстлик ўзаро хайрихоҳлик хукумрон								муносабатларда зиддият тажовуз ёқтирмаслик хукумрон
Жамоа аъзолари бирга бўлишни ёқтиради, ҳамкор фаолиятда қатнашади бўш вақтни бирга ўтказишади								Жамоа аъзолари нисбатан яқин мулоқотга бефарқ ҳамкор фаолиятга салбий муносабат кўрсатишади
Жамоа баъзи аъзоларини муваффақияти ёки омадсизлиги жамоанинг бошқа аъзоларида ҳамдардлик чақиради								Жамоа баъзи аъзоларининг омади ва омадсизлиги ўзгаларни этиборсиз қолдиради ва баъзида ҳасад ва ичи қоралик туйғуларини чақиради
Мақтов ва ўзаро ёрдам муҳити мавжуд. Танбех ва танқид яхши маънода айтилади								Танқид ва танбех очиқча ва яширинча ёмон маънода айтилади
Жамоа аъзолари бир бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишади								Жамоадаги ҳар бир аъзо ўз фикрини асосий деб ҳисоблайди ва дўстларининг фикрини тўғри қабул қилмайди
Жамоа учун оғир кунларда “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” тамойили бўйича эмоционал бирлашиш содир бўлади								Қийин вазиятларда жамоа “шалпайиб қолади,” жанжаллар пайдо бўлади ўзаро бир бирини айиблай бошлайди
Жамоанинг муваффақияти ёки омадсизликлари барча томонидан худди ўзиникидай қабул қилинади								Бутун жамоанинг муваффақияти ёки омадсизлиги алоҳида вакилларда ҳеч қандай ҳиссиёт чақирмайди
Жамоа янги аъзоларига								Янги келиб жамоага қўшилганлар

хайрихохлик билан муносабатда бўлади, уларга ёрдам қўлини чўзишади.							ўзларини ортиқча, бегона ҳис қилишади, уларга ғаразлик билан қарашади.
Жамоа фаол куч қувватга тўлди							Жамоа суст заиф
Жамоа тез ўз ҳамкорлигини таклиф қилади, фойдали иш қилишга ёрдам қилади							Жамоани ҳамкор фаолиятга ундаб бўлмайди, ҳар ким фақат ўзининг манфаатлари ҳақида ўйлайди
Жамоада барча аъзоларга адолатли муносабат ҳукумрон, заифларни қўллаб қўлтиқлашади, уларни ҳимоя қилишади							Жамоада “имтиёзлилар” ва “назардан қолганлар” гуруҳлари ажратилади, заифларга нафратомуз қаралади, уларнинг устидан кулишади
Жамоа аъзоларида ўз жамоаси билан ғурурланиш туйғуси бор							Жамоанинг мактов ва рағбатларига бефарқ муносабатда бўлишади

Натижалар таҳлили. Жамоадаги психологик иқлим ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун барча ижобий ва салбий хусусиятлар бўйича тўпланган балларни қўшиш керак бўлади. Олинган натижа жамоадаги психологик иқлимнинг қандайлиги ҳақида маълумот беради. Олинган натижалар мусбат ва манфий қийматлар кўринишида бўлиб, улар қўшилганда «+» ва «—» ишоралари айрилади. Бу ўринда иккита маълумотга эга бўламиз: биринчидан, мусбат томондаги қиймат манфий томондагидан катга бўлса, демак жамоада ижобий, қулай психологик иқлим мавжуд бўлади. Агар манфий томондаги қиймат мусбат томондаги қийматдан катга бўлса, демак, жамоада салбий психологик иқлим ҳукмрон бўлади. Иккинчидан, мусбат ва манфий қийматларнинг йиғиндисидан пайдо бўладиган қиймат жамоадаги психологик иқлимнинг миқдорий даражасини кўрсатади. Агар биз бир қанча синфларда психологик иқлимни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказсак, улардаги миқдорий даражалар қиёсий таҳлил қилиниши мумкин бўлади. Шунда мактабдаги барча синфлар психологик иқлимларининг миқдорий даражаларини қиёсий таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз. Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки тадқиқот ўтказилаётганда А.Н. Лутошкиннинг карта-

чизмасидаги талабларга жавоб берувчи кишилар синфни, синф ўқувчиларини, улар ўртасидаги муносабатларни яхши биладиган бўлиши зарур. Иложи бўлса, мана шу синфга дарс берувчи ўқитувчилар, синф раҳбари мазкур карта-чизмани тўлдиришлари ишончли натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Психологик иқлимни аниқлашнинг ўзи камлик қилади, паст даражадаги психологик иқлимни аниқлангач, уни яхшилаш йўллари ҳақида бош қотирмоқ керак. Бунинг учун эса салбий психологик иқлимни келтириб чиқараётган омиллар тўррисида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур. Психологик иқлимнинг даражасини белгилайдиган омиллар синфнинг ичида ва унинг ташқарисида ҳам бўлиши мумкин. Ичидаги омилларни оптималлаштириш осонроқ кечади. Агар масала ташқи омилларга (масалан, ўқитувчилар жамоасига, маъмуриятга, ота-оналарга) бориб тақалса, уларга таъсир қилиш бирмунча қийин кечади.

Демак, асосий хулоса шундан иборатки, психологик иқлимни аниқлаб бўлгач, уни яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш ва шу йўлда иш олиб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.В.Ковалев. Подготовка старшеклассников к семейной жизни. М «Просвещение», 1991 г.
2. Краткий психологический словарь. М Из-во полит.. 1985 г.
3. К.К.Платонов. Краткий словарь систем психологических понятий. Высшая школа, 1984 г.

Интроверт (тунд бола) ҳақида тушунча

Интровертлик – муомала доирасининг торайиши, атрофдаги одамлар билан бўладиган эмоционал алоқа имкониятларининг торайиши, янги ижтимоий алоқалар ўрнатиш қийинчилигини ортириш кўринишида юзага чиқадиган бузилишидир. Бундай бузилишнинг сабаблари қуйидагича бўлиши мумкун: узоққа чўзилган стресс (масалан ота-онанинг ажралиши), эмоционал муомаланинг етишмаслиги (масалан касалхонада узоқ вақт ётиши ёки бола оилада исталмаган бўлса, ота-она унга етарли меҳр-муҳаббат кўрсатмаса ва х.) эмоционал оламдаги нотолигик хусусиятлар (ўта юқори қўзғалувчанлик психик жараёнларнинг инертлиги ва х.)

Интроверт бола – “ўзга одамларни” ўзига йўлатмайди. Бу эса ота – она тенгдошларининг унга нисбатан салбий муносабатини пайдо қилади. Бу нарсаси бола ҳолати янада оғирлаштиради. Тунд бола ёлғизликда яшашга мослашади ва бу ҳолат унинг шахсига салбий таъсир кўрсатади. Муомалага эмоционал алоқага эҳтиёж сингдирилади тундлик эса ижтимоий таъсирларидан ҳимоя вазифасини ўтайди.

Интроверт бола қовоғи уюлган, норози қиёфада юради. Ва шунда ота – оналар ундан бутунлай хафа бўлишади: “Биз унга барча шароитни яратиб берган бўлсак яна у нимадан норози ?!” Бундай вазиятда ота – оналарга тушунтириш керакки уларнинг боладан талаб қилаётган

итоаткорона минатдорчилиги” унинг ахволини ёмонлаштиради холос. “нимага мен билан гаплашмайсан?” “нимага менинг кўзларимга қарамайсан?” сингари саволлар болани ота – онадан совутади, балки буни бола уни дахилсиз ички оламига аралаштириш деб ҳисоблайди. Бу ҳолат хавфли тундлик уятчанликдан ҳам, аутизмдан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам фарқ қилади, аммо хулқ – атворида улар бир-бирига ўхшаш бўлишади. Тортинчоқлик – ижтимоий омилкорликнинг яхши шаклланмаганлиги натижасидир. Табиийки уни тузатиш учун боланинг мулоқот малакасини ошириш, ўзганинг хатти – ҳаракатини тушинишига ва таҳлил қилишга ўргатиш етарли бўлади. Тундлик унинг эса бу тадбирлар тузатиш ишининг сўнги босқичидир.

Болалар аутизимида фарқли ўлароқ тундлик натологик ҳодиса ҳисобланмайди ва шунинг учун психиатр томонидан эмас, психолог томонидан ҳам тузатилса бўлади.

Интроверт бола билан олиб бориладиган ишлар.

Интроверт бола билан коррекцион иш олиб борилганда боланинг атрофдаги одамлар билан бўладиган эмоционал алоқаларини кўллаб-қўлтиқлашга ва оширишга асосий эътиборини қаратмоқ лозим. Бунда ота-онадан бирортаси билан мавжуд бўлган ҳиссий яқинликдан, шунингдек маълум предмет ва ўйинларга қизиқишидан фойдаланиш керак. Интроверт бола ёпиқ хонага ўхшайди. Бу хонада ёлғиз битта кичкинагина дераза очик қолган (масалан, ота – оналардан бирига нисбатан алоқа истаги). Бу хонада ёлғиз битта кичкинагина дераза очик қолган. (масалан ота-оналардан бирига нисбатан алоқа истаги). Тузатиш ишлари мана шу деразадан фойдаланишни талаб қилади. Бироқ хатто бирорта ижобий натижалар бермаган тақдирда ҳам психолог ўша сўнги туйнукни ҳам бола “ёпиб олмаслигига” эришиши лозим.

Қуйидаги коррекция тамойиллари интроверт бола билан ишлашнинг асосий йўналишларини белгилайди:

Бундай бузилишга олиб келган сабабларни аниқлаш керак.

1. Болада мулоқотга нисбатан катталар ва тенгдошлари билан алоқага нисбатан эҳтиёжни тиклаш лозим.
2. Боланинг оиладаги ва тенгдошлари гуруҳидаги муносабатларни уйғунлаштириш керак (яъни нафақат болани ўзгаларга қаратиш, балки ўзгаларнинг ҳам унинг унчалик ёмон ва жахлдор эканлигига ишонтириш зарур)..
3. Муомала кўникмаларига, алоқа ўрнатиш малакаларига болани ўргатиш керак.
4. Мазкур коррекцион (тузатиш) иш боланинг ўта таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан амалга оширилади.
5. Боладаги тундликни аниқлаш учун қуйидаги диагностик усуллар қўлланилади:
6. Психолог илк учрашганида унга тўғридан-тўғри бериладиган саволлардан қочиш керак (“сенинг отинг нима? ва хокозо).

- Боланинг кўзларига тикилиб қарамаслик , унда кучли кўзғалиш чақирмаслик зарур.
7. Бола билан бўладиган илк алоқада уни қистовга олмаслик зарур. Одамлар билан алоқаларни хуш кўрмайдиган бола ўзи хуш кўрмайдиган вазиятга уни чорлашаётганлигини англаб қолмаслиги керак.
 8. Бола қилаётган хатти-ҳаракатлар доирасидагина психолог иш олиб бориши талаб қилинади. Боланинг нима билан шуғулланаётганлигини кузатиш керак. У нима билан шуғулланаётган бўлса, унга қўшилиш керак, асло унга ўз ўйинларинингизни таклиф қилмаслигингиз керак. Илк танишув бола учун таниш ва мос бўлган шароитларда амалга оширилиши зарур.
 9. Болада ўйин ҳаракатларида унда кўпроқ нима қониқиш чақираётганлигини аниқлаб олиш зарур (масалан, тўпнинг сакрагани эмас, майдонда думалаб кетиши ёқар ва ҳ.) . Бошқача айтганда, бола қандай қилиб ўзига-ўзи таъсир қилаётганлигини, бунда қандай воситалардан фойдаланаётганлигини кузатиш керак ва шундан сўнг болада бу ҳаракатларни такрорлаш лозим. Бу ишларни қилаётганда зинхор болага қарамаслик керак, ўйинчокқа эътиборни қаратиш лозим. Бу нарса тарбиячига болада ўзига нисбатан меҳр уйғотишга қаратилган бўлиб боладаги ўзи билан бўладиган муомалага асос яратади. Масалан, бола ёлғиз тўпни думалатишни ёқтирса, уни уни бир-бирига қараб узатишга ҳаракат қилиб кўриш керак.
 10. Агар ижобий натижа қўлга киритилса, боладаги қониқиш объектларини ранг-баранг қила бориш, ўз қувончини унга юқтириш ва энг муҳими – ёлғиз эмас, ўзга билан ўйнаш мароқлироқ эканлигини исботлаш йўлидан бориш керак .
 11. Эҳтимол бу босқичда нисбатан яхши натижалар қўлга киритилар. Бу нарса ота-онани хурсанд қилади ва уларнинг назарида иш якунланаётгандек туюлади. Бу ерда ишнинг энг хавфли жойи бошланади. Чунки бу болани “Қобикқа” илк ёриб кириш бўлади. Аммо ҳақиқий натижага узоқ муддатли машаққатли меҳнат эвазига эришилади. Мана шу ерга келиб атрофдаги одамлар билан эффектив (ҳиссий) алоқага бўлган эҳтиёж тикланади. Бу босқични тезлаштириш салбий оқибатларга олиб келади.
 12. Фақат одамлар билан бўладиган алоқага нисбатан эҳтиёж мустаҳкамлангандан кейингина катта кишилар бола учун ҳиссиёт уйғотади. Шунда бола ўзга кишига беихтиёр мурожаат қилади. Шу ўзгаришлар болада кузатилгандан сўнг алоқалар шаклини мураккаблаштириш, янги ўзингиз хоҳлаган ўйинлар таклиф қилишингиз мумкин бўлади.
 13. Алоқаларнинг мураккаблашган шаклига секин-аста илгариги шакллар мустаҳкам ўрнашгач ўтиш керак. Бола ўзлаштирилган алоқа шакллари бузилмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

14. Алоқа шакллариининг мураккаблашуви болага муомаланинг янги кўринишларини таклиф қилиш орқали эмас, балки мавжуд шакллар тузилмасига янги ДЕТАЛЛАРни киритиш орқали амалга оширилса самарали бўлади.
15. Бола билан бўладиган хиссий-эмоционал алоқани қатъий тартиб билан мураккаблаштира бориш керак. Болага таъсир қилишнинг давомийлиги боланинг жонига тегиб кетиш даражасида бўлмаслиги зарур. Агар шундай бўлса, бу болада нохушликни, ноқулайликни чақиради ва кўлга киритилганини ҳам йўққа чиқариши мумкин.
16. Доимо эсда тутиш лозимки, бола катталар билан хиссий алоқага кириш, уни яқинлари билан бўладиган зиддиятдан эҳтиёт бўлиш керак.
17. Бола билан хиссий - эмоционал контакт ўрнатилиши жараёнида тузатиш ишлари асосий мақсад ишлари, асосий мақсад эмаслигини унутмаслик лозим. Асосий вазифа боланинг тарбиячи ёки психологга эътиборини қаратиш эмас, балки болада атроф муҳит билан ҳамкор ҳолда муомалага киришиш малакасини шакллантиришдир.

Интроверт боланинг ота- онаси билан ишлаш

Интроверт боланинг ота – онаси билан ишлаш шунинг учун ҳам оғир кечадикки, ота – оналар одатда тундлик ҳақида тушунчага мутлоқо эга бўлишмайдилар.

Даставвал, ота – оналар мулоқотда уларни уларни диққат билан тинглаш зарур. Чунки тундлик ҳақидаги билимларини, болага нисбатан бўлган муносабатини, уларнинг мақсадларини билиб олиш улар билан олиб бориладиган ишда кўл келади.

Ота-она билан ишни бутун коррекция давомида олиб бориш керак. Мухими- ота-оналар билан ишлашнинг ҳар бир босқичида ҳар хил усуллардан фойдаланилади. В.Е.Гоган (1985) аутик болаларнинг ота - оналарга маҳсус маслаҳатларни ишлаб чиққан биз бу маслаҳатлардан баъзи бирлари тунд болаларга тааллуқли бўлгани учун уларни қуйида келтирамиз: “бола билан илк алоқа ўрнатилгач, унинг ота-онасига аутик хатти-ҳаракатларга эга болага қандай таъсир кўрсатиш йўллариини ўргатиш керак”.

Тарбиячига (педагогга, психологга) ёрдам беришлиги учун у боланинг ота- онасини коррекцион иш режаси билан таништириш зарур.

Ишнинг илк босқичида боланинг тундлиги сабабли психотерапевтик имкониятлари жуда чегараланган бўлади. Имкон қадар боладаги бор имкониятлардан фойдаланилади. Болага психотерапевтик таъсир кўрсатиш билан биргаликда оилани ҳам бола билан ишлашга тайёрлаш лозим бўлади.

“Ясси тоғ” босқичида, бошқача айтганда коррекцион ишдаги ижобий натижаларга эришишни секинлаштириш босқичида оилани болага қайтатдан бириктириш тадбирини амалга оширилади. Нотўлиқ оилада катталардан кимдир йўқ бўлган ота- онадан бирининг ўрнини босади.

Тўлиқ оилада эса катталар билан ҳар бирига алоҳида ёндашиш зарур. Баъзида катталардан бирортаси болани тунд эмас, деб ҳисоблайди ва у билан олиб бориладиган ишларга қарши бўлади, иложи борица бундай кишини коррекцион ишга аралаштирмаган мақул.

Кейинги босқичда оилани ўқитиш ишлари амалга оширилади. Бу якка- якка ёки гуруҳий асосда олиб борилиши мумкин. Баъзида бир қанча худди шундай ишлар олиб борлаётган оилани бир-бирига таништириб, ўзига хос микроклуб ташкил қилиш мумкин. Бундай микроклубда ота-оналар ўзаро тажриба алмашинадилар.

Боланинг улғайишига мос ҳолда, унинг ҳолатларини ривожланишига қараб коррекцион ишлар доираси ва усуллари ҳам ўзгариб боради. Кўпроқ шахсга оид муаммолар қамраб олина бошлайди, тунд бола оддий болалардан ҳар томонлама фарқ қилганлиги боис тренинг таъсирига эҳтиёт бўлиб ёндошмоқ керак. Психотренинглар орқада болага таъсир кўрсатишда албатта уларнинг индивидуал хислатларидан келиб чиқмоқ керак. Психотренинглар ота-оналар ҳамкорлигида ўтказиладиган бўлса албатта уларни олдиндан тренингга тайёрлаб олиш зарур.

Ишни тугаш босқичида ота – оналарни боладаги бундай бузилишига олиб келган сабаб ҳақида огоҳлантириш зарур. Агар шу сабаб ўртадан олиб ташламас экан, у яна илгариги ҳолатга тушиб қолиши мумкинлиги тушунтирилиши керак. Бундан ташқари, турли хил янги кўзғатувчилар ҳам болага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ота-оналар ўз боласини турли хил шундай ҳаяжонли кўзғатувчилардан эҳтиёт қилиши керак. Масалан, эндигина муомалага жиддий киришган болани турли хил шовқин суронли йиғинларга олиб бориш унинг яна ўз “қобиғига” кириб олишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса

Шундай қилиб, тунд бола билан ва унинг ота- оналари билан ишлаш жараёнида учликнинг, яъни бола, ота- она ва мутахассис-ларнинг ўзаро мутаносиб фаолиятигина самарали натижаларни қўлга киритишга сабаб бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

Е.И.Рогов Настольная книга практического психология в образовании. М. “ВЛАДОС” 1996.

Болаларда диққатни ва хотирани ривожлантириш усуллари

Болаларда диққатни ривожлантириш

Диққат- субъект фаолиятини маълум вақт давомида қандайдир реал ёки идеал объектга жамламоқдир. Болаларда диққатни икки кўринишини ҳам (ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат) ривожлантириш тарбиячи ва педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Болаларда диққатни ривожлантирувчи махсус усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, биз қуйида мазкур психологик ўйинлар кўринишидаги усулларни кўриб чиқамиз.

Дикқатни ривожлантирувчи усуллар.

1-машқ: “Ким тез?”

- 1) Ўқувчидан исталган матндаги кўп учирайдиган ҳарф масалан, “О” ва “Е” ҳарфларини иложи борица тезлик ва аниқлик билан ўчириш талаб қилинади. Топшириқни бажарилиши унинг бажариш вақти ва кўйилган хатолар миқдори билан баҳоланади: мазкур кўрсаткичлар қанчалик кам бўлса топшириқ шунчалик соз бажарилган бўлади. Шу билан бирга ўйин давомида муваффақиятни рағбатлантириб бориш ва ўйинга қизиқишини ошириш керак.
- 2) Дикқатни боғлаш ва тақсимлашни ривожлантириш учун топшириқнинг шартини бироз ўзгартириш мумкин битта ҳарфни (масалан “О” ни)вертикал кўринишда, биттасини эса (“Е”)горизонтал кўринишда устидан чизиб чиқилади. Ёки сигнал бўйича ҳарфларни навбат билан устидан чизиш талаб қилинади. Вақт ўтиши билан топшириқни янада мураккаблаштириш мумкин учта ҳарфни танлаб бирини ўчириб ташлаш иккинчисини тагига чизиш учинчисини айланага олиш талаб қилинади.

Бу машқлардан мақсад-дикқатнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта объектга тақсимлашни ривожлантиришдир. Топшириқни бажариш ёнга қараб ўзгаради, кичик мактаб ёшидагилар учун -15 дақиқа ўсмирлар учун 30-дақиқа.

2- машқ: “Кузатувчанлик”

Болалар ҳар куни юз марталаб кўрадиган мактаб ҳовлисини муфассал таърифлаб бериши керак бўлади. Бундай таърифни кичик мактаб ёшидаги бир ўқувчи айтади. Синфдошлар эса айтилмай қолган деталларни тўлдирадилар. Ўсмирлар эса ўз таърифларини ёзма равишда қилиши мумкин, кейинчалик эса реал воқелик билан қиёслашади. Бу ўйинда дикқат билан кўриш хотираси ўртасидаги алоқа ривожлантирилади.

3-машқ “Корректур”.

Ўйинни ўтказувчи оқ қоғозга бир нечта гаплар ёзади. Бу гапларда баъзи ҳарифлари туширилиб қолдирилган ва алмаштирилган бўлади. Ўқувчи бир марта мазкур гапларни ўқийди ва рангли қалам билан қолган хатоларни ҳам тўғрилайди. Эҳтимол ўйинни жуфтликда мусобақа кўринишда ўтказса ҳам бўлади.

4- машқ:”Бармоқлар”

Қатнашчилар айлана қилиб стулларда жойлашиб ўтириб олишади. Тиззага кўйилган кўлларининг бармоқларини бир-бирига боғланган ҳолда ўтирилади. Фақат бош бармоқлар эркин қолади. “Бошладик” деган буйруқдан сўнг бош бармоқларини бирининг орқасидан иккинчисини бир хил тезлик билан бир хил йўналишда, энг муҳими бир-бирига теккизмасдан айлантирилади. Дикқатни мана шу ҳаракатга қаратиш зарур. “Тўхта” деган буйруқ билан машқни тўхтатади. Машқ 5-15 дақиқа давом этади. Баъзи қатнашчилар кутилмаган сезгиларни туюшади: бармоқларни катталашганини ёки бегоналашганини, уларни ҳаракатлари йўналиши

ўзгарганлигини, кимдир кучли кўзғалишни ёки ноҳушликни хис қилади. Булар диққат қаратилаётган объектнинг ўзига хослиги сабабли кузатилади.

5- машқ: “Чивин”

Бу машқ учун 3х3 см дан қилиб ўнта бўлакка бўлиниб чизилган доска ҳамда бир бўлак пластилин талаб қилинади. Пластилин бу ерда кўрсатилган чивин ролини бажаради. Доска вертикал холда қўйилади. Ўйинни олиб боровчи қатнашчиларга тушунтириладики, “чивиннинг” бир катакдан иккинчи катакка ўтиши буйруқ остида амалга оширилади. Бу буйруқни “чивин” тўлиқ бажариши зарур. Тўртта мумкин бўлган буйруқлардан (“юқорига”, “пастга”, “ўнга”, “чапга”) чивин мазкур командага мос равишда ҳаракат қилади. “Чивиннинг” илк ҳолати ўйин майдонининг марказий катаги, буйруқлар қатнашчилар томонидан навбат билан берилади. Ўйинчилар чивиннинг ташқарига чиқиб кетмаслигига йўл қўймаслиги керак.

Мана шуларни тушунтиргандан сўнг ўйин бошланди. У ҳаёлий майдонда амалга оширилади, уни ҳар бир қатнашчи тасаввур қила билмоғи зарур. Агар кимдир ўйинни ипини йўқотиб қўйса ёки “чивин” майдондан чиқиб кетаётганини “кўрса” “тўхта” буйруғи берилади ва “чивин” марказий катакка олиб келиниб, ўйин бошидан бошланади. “Чивин” ўйинчилардан домий эътиборни талаб қилади, бироқ машқ яхшилаб ўзлаштирилиб олингач уни мураккаблаштириш мумкин.

6- машқ: “Селектор”

Машқ учун ўйинчилардан бири “қабул қилинувчи” сифатида танлаб олинади. “Ўзатувчилар” деб аталиб қолган гуруҳларнинг ҳар бири ҳар хил сонларни ҳар хил йўналишларда айтади. “Қабул қилувчи” эса қўлида хасса ушлаганча жим туриб тинглайди. У навбат билан ҳар бир “Ўзатувчи”га мослашиши зарур. У ёки бу “Ўзатувчи”ни тинглаш ўта қийин бўлиб қолса, у буйруқ ишораси билан уларни қаттиқроқ гапиришга мажбур қилади, агар унга тинглаш ўта осон бўлса, товушни пасайтириши мумкин. “Қабул қилувчи” анча ишлагач, хассани бошқа қўшнисига узатади. Ўзи “узатувчи” бўлади. Ўйин давомида хасса бутун айлана бўйлаб узатилиб чиқади.

7- машқ: “Юқори диққат”

Қатнашчилар 2 гуруҳга бўлинади: “халақит берувчилар” ва “эътибор берувчилар”га. “Эътибор берувчилар” ўйинни олиб боровчи томонидан залга нисбатан периметр бўйлаб жойлаштирилади ва фарқланувчи белгилар олади (қўлга боғланадиган латталар галстуклар ва х.к.) Ҳар бир қатнашчига инструкция берилади: сизни вазифангиз - худди актёрга ўхшаб тасвирлаш керак, ўйнаш лозим. Бирор иш билан қаттиқ машғул бўлган ва ҳеч нарсани сезмаётган одамнинг ролига кириши лозим. Сиз бу ролга киришингиз даркор. Сизга бу ролни ижро этиш осон бўлишлиги учун сиз ўзингизча ўзингизни худди кинофильм кўраётгандай ёки хавфли саёҳатга қатнашаётгандай тасаввур қилинг. Ўз ролингизни тартиб билан бажаринг. “Тўхта” буйруғи билан машқни тугатдингиз, сиздан сўрашадилар. Сиз эса ўзгаларни сиз ҳақиқатдан ҳам ўз ўйларингизга фарқ бўлиб ўтирганингизни,

кўрганингизни укдилинг, тасдиқланг. Тушунарлими? “Халақит берувчилар” машқ пайтида топшириқ оладилар. Тайёرمىсиз? Бошладик! Машқ 5-15 дақиқа давом этади. Бу вақт ичида бошловчи “халақит ” берувчилар билан провоказитция ҳаракатларини ташкиллаштиради улар шиорлар, чақириқлар билан тўс-тўполон кўтаришади, сахна кўриниши уюштирилади, дарсни тугаганлигини ижро этишади ва залдан чиқиб кетади, ҳайвонларни тасвирлашадилар ва ҳ.к. Шу билан биргаликда бошловчи “халақит берувчилар” ўта самарали ҳаракат қилмасликларига интилади. У “этибор берувчиларга” тегинмасликларини сўрайди ва муҳим дақиқаларда “Халақит берувчилар ” ўз ролларида қолишлигига ёрдам беради. Сўнгра “тўхта” деган буйруқ бўлади ва муҳокама бошланади. Шу муҳокамада ким нималарга этиборини қаратганлиги айтилади.

Хотирани ривожлантирувчи усуллар

1-машқ: “Қийинини эслаб қол”

Ўқитувчи ўқувчиларга 25-30 сонияда 10 та қийин ёзиладиган сўзларни кўрсатади ва яширади. Сўнгра ўқитувчи айтиб туради, ўқувчилар қоғозга ўша сўзларни ёзади. Кўриш хотираси эшитиш хотирасига ёрдам беради. Ҳамма сўзни тўғри ёзган ютиб чиқади.

2-машқ “Адашган ҳикоячи”.

Қатнашчилар айлана қуриб ўтиришади. Бошловчи суҳбат мавзусини танлайди. Қатнашчилардан бири уни ривожлантиради. Сўнгра тасодифий фикрлар ортидан бориб, суҳбатни бошқа тарафга буради. У бир мавзудан бошқа мавзуга ўтади ва иложи борица кўпроқ чалкаштиришга ҳаракат қилади. Сўнгра гапираётган имо билан кейинги қатнашчига сўз навбатини беради. Сўз хоҳлаган одамга узатилиши мумкин. Буни ҳамма давомини кузатади. Кимга қаралган бўлса у барча фикрий чалкаштиришларни тескари йўналишда давом эттириб, илк мавзуга қайтиб келиши зарур. Сўнгра ўзи ҳам “илк” мавзунини чалкаштиришга ҳаракат қилади ва ҳ.к.

3-машқ: “Ассоциациялар югуриши”

Қатнашчилар айлана қуриб ўтиришади. Бошловчи иккита тасодифий сўзни айтади. Қатнашчилардан бири овозини чиқариб биринчи ва иккинчи сўзларни боғлайдиган образни айтади. Сўнг ўша қатнашчига ўз сўзини ўзидан чап томонда ўтирган қатнашчига айтади. У бу учинчи сўзни бошловчининг иккинчи сўзи билан боғлайди ва ўзининг сўзини учинчи қатнашчига узатади. Ўйин айлана бўйлаб давом этади ва ҳар бир айлана тугаганда бошловчи секундомер бўйича сўзни айланиб келишига кетган вақтни эълон қилади. Яхши тайёрланган қатнашчилар бир нечта айлана бўйича ҳаракат қилиши мумкин. Бошловчи тўсатдан ўйинни тўхтатиши ва қатнашчилардан бирортасидан барча сўзларни айтиб беришини сўраши мумкин. Агар қатнашчи фақат ўз сўзларанигина эслаб қолган бўлса, демак у ўйинда қатнашмаган ҳисобланади.

4-машқ: “Разведкачи”

Қатнашчилардан бири “разведкачи” бўлиб сайланади. Бошловчи: “Қотиб қолдик” дейди ва бутун гуруҳ қотиб қолади. Ҳар ким ўзининг ҳолатини эслаб қолади. “Разведкачи” эса уларни эслаб қолишга ҳаракат қилади. Қатнашчилар ҳолат ва ташқи кўринишини диққат билан ўргангач, “разведкачи” кўзини юмади (ёки хонадан чиқади), Бу вақт ичида қатнашчилар ўз кийимлари, ҳолатлари, кўринишларида ўзгаришлар ясади, сўнгра “разведкачи” кўзини очиб, барча ўзгаришларни айтиб бериши керак бўлади.

ХУЛОСА

Юқоридаги машқларни маҳорат билан ўқувчиларда қўллаш улардаги диққат ва хотирани ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Е.И.Рогов. настольная книга практического психолога в образовании. М. “Владос”. 1996.
2. Краткий психологический словарь. М. 1985 год

НЕВРОТИК - (ЖАҲЛИ ТЕЗЛИК) СОҒЛОМЛИКМИ ЁКИ КАСАЛЛИК?

Невроз бошқа эмоциялар сингари инсоннинг атроф муҳитга мослашиш вазифасини бажаради. Невроз одамларда ҳам, ҳайвонларда ҳам маълум мақсадга етишиш йўлида пайдо бўладиган тўсиқни енгиш учун керак бўлади. Шунинг учун жаҳлни ҳамиша ҳам касаллик деб қараш нотўғри. Невроз маълум вазият тақозоси билан пайдо бўладиган ҳаракат ва шунинг учун ўша вазиятдан инсон чиқмас экан, унда жаҳл сақланиб қолаверади. Агар невроз жаҳл маълум вазиятда тугамас, доимий сақланиб қолса, буни энди **СОҒЛОМЛИК** деб бўлмайди. Бу маълум маънода ўз-ўзини бошқариш механизмининг бузилганидан далолат беради.

Б.Спокнинг фикрича, қўйидагилар нормал ҳолат ҳисобланади: - бир ёшга кирган бола онаси қилган нохуш ҳаракатга қаршилик кўрсатса; - икки яшар боланинг ўзга болани уриши: агар унинг бирор ҳаракатларини тортиб олишсалар ва х.к: Мазкур жаҳлдор ҳаракатлар маълум вазиятлардан келиб чиқади. Бироқ улар «касаллик» даражасига ҳам ўтиб қолиши мумкин. Ҳар қандай бузилиш ўз ибтидосини маълум вазиятдан олиши мумкин:

НЕВРОЗНИНГ КАСАЛЛИККА ЎТИШ ШАРТЛАРИ

Нормал невроз ҳолатининг касаллик ҳолатига ўтиб қолиши шартлари қуйдагилар.

-ота-оналарнинг доимий жаҳлли хатти-ҳаракатлари. Бундай ҳулққа болалар тақлид қиладилар беихтиёр уша жаҳлни ўзларига “юктирадилар”. Бу ҳодисанинг психологик механизми қўйдагича: боланинг эмоционал ўз-ўзини бошқариш системаси ота-оналарнинг эмоционал ўз-ўзини бошқариш типига мослашади:

-болага ота-она муҳаббатининг берилмаслиги. Бу нарса болада ҳимоясизлик туйғусини шакллантиради, атрофдагиларга нисбатан шафқатсизлик пайдо қилади;

-ота-она томонидан боланинг ҳақорат қилиниши ва камситилиши. Бу тарбиядаги хусусий ҳол бўлиши мумкин, бироқ бола шахси ривожига бу нарса ўта муҳим аҳамият касб этади.

- икки йулдан бирини танлаш ҳолатини болада тез- тез пайдо қилиш. Бола қай томондан танлашга қийналади. Агар нотўғри қўйилган қадам учун жазо олинадиган бўлса, жаҳл касалликка айланиб кетиши мумкин.

НЕВРОТИК БОЛАНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

Бундай ота-оналар билан ишлаш жуда мураккаб, чунки жаҳлдор боласи бор ота-она одатда унга нисбатан ўзларида адоват туйғусини ҳис қилади ва улар психолог консултантга ёрдам учун эмас, балки уни тинчлантириб қўйиш учун мурожаат қилишади. Уларга қолса болани тинчлантирувчи битта дори беришсаларда, бола бирданига жаҳлдан тушиб қолса. Улар билишмайдиларки, боладаги жаҳлнинг илдизлари уларни турмуш тарзига бориб тақалади. Аксарият ҳолларда ўша ота оналарнинг ўзларига сержаҳл бўлганини билишидадир. Улар ўзларидаги психологик ҳолатларни ўз фарзанларига узатишади. Шунинг учун психолог одатда илк ишини невроз боланинг ота-оналаридан бошламоғи керак. Биринчидан, улар билан ишлаганда уларнинг ўзини баҳолашига салбий таъсир кўрсатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак. (“Сиз ўз болангизни яхши билмайсизми мен сизга ўргатиб қўяман” кабиладаги гаплар уларни шахсига тегиши мумкин). Аксинча, уларни ўз фазандларини янада билишликка чорлаш лозим.

Иккинчидан, ота-онанинг болага бўлган муносабатини ўзгартириш зарур. Улар сержаҳл боласини ношукурликда айблашадилар. Улар болани тергаганларида, уришганларида болалари кечирим сурашларини, айбдор эканлигини айтишини кутишади. Бола бу ишни қилмаганини кўргач, уларни жаҳли чиқади ва болани беодобликда айблашади. Иложи борица ота оналарда ўз боласига нисбатан раҳм-шафқат туйғусини ўйғотиш керак. Сержаҳл бола бу аввалам бор бахтсиз бола эканлигини уқитириш керак. Ота-оналарга жаҳлнинг пайдо бўлиш механизмини, жаҳли тезлик боланинг эмоционал жиҳатдан касалланиши эканини тушунтириш лозим.

Учинчидан, ота-оналарнинг ўз болаликлари ҳақидаги хотираларни тиклаш керак. Ўзларининг ҳам жаҳилли қилган хулқ-атворини сабабларини биргаликда муҳокама қилиш зарур. Эҳтимол, бу нарса бола билан она ўртасидаги муомаланинг шахсий сабабларини очишга ёрдам берар ва шу йул билан психологик ёрдам олар.

НЕВРОТИК БОЛАЛАР БИЛАН ТАРБИЯВИЙ ИШ ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сержахил хатти-ҳаракатни “ёмон”деб бўлмайди. Кутилмаган вазиятларда у ҳимоя вазифасини бажаради, баъзида маълум вазиятдан чиқишдан хизмат қилади. Невроз болаларда аксарият ҳолларда кузатилади. Ўтиш босқичлари – бу ижтимоий муаммолар билан пайдо бўладиган кризислар бўлиб, инсон ҳаётининг турли босқичларида кузатилади. Америкалик психолог Е.Ериксон инсон ҳаётида саккизта кризисни фарқлайди. Булар қуйдагилар:

1.Биринчи кризисни бола умрининг биринчи йилида бошидан кечиради. Бу бола физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ. Агар яхши қондирилмаса болада атрофдагиларга ишончсизлик пайдо бўлади.

2. Кризис боланинг тозалikka ўргатиш пайтига тўғри келади. Агар болага қатий ташқи назорат ўрнатилса, унда уят ва шубҳа пайдо бўлади.

3. Учинчи кризис иккинчи болалик даврига тўғри келади. Бунда бола мустақил фаолият кўрсата бошлайди. Агар унинг омадсизлигини ҳадеб рўқач қилинса унда айбдорлик туйғуси шакилланади.

4.Тўртинчи кризис мактаб ёшида пайдо бўлади. Мактабдаги муҳитга мослаша олмаган ўқувчидан ўзига ишончсизлик туйғуси пайдо бўлади.

5.Бешинчи кризис ўсмирларда кузатилади. Ундаги биологик етилиш билан социал жихатдан етилмаганлик ўртасидаги зиддият бу кризисни келтириб чиқаради.

6.Олтинчи кризис ёш йигит-қизларда кўзатилади. Бундай айрим ёшларда изоляция яъни ўз- ўзи билан бўлиш кўзатилади.

7. Еттинчи кризис қирқ ёшда кўзатилади. Унда ҳам оилавий муносабатларда турғунлик кўзатилади.

8. Саккизинчи кризис қариликда содир бўлади. У ўлимдан қурқиш ва янғидан ҳаёт бошлай ололмаслигидан надомат туйғуси характерланади.

Шу саккизта кризиснинг ҳар биридаги салбий ҳолатлар одамни жаҳлини чиқаради ва ҳулқ-атворга таъсир қилади. Жаҳли тезлик таҳлил қилинганда албата бу психосоциал кризисни ҳисобга олмоқ лозим.

Бола ҳулқ-атворидаги сер жахиллик улар билан муносабатни қийинлаштирса ҳам жаҳилни мутлоқо салбий сифат деб баҳолаш нотўғри. Унутмаслик керакки, боладаги фаолликнинг ошиши унинг аффектив тараққиётидаги қонуний босқич ҳам бўлиши мумкин. Агар маҳсус тузатиш ишларини олиб борилса, унда атрофдагилар билан нормал муомала пайдо бўлади. Боладаги жаҳилни тузатиш ишлари уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашдан бошланади. Агар жаҳил боланинг эмоционал – мотивацион оламидаги бузулиш бўлмаса, унда ишлар жаҳилни олиб ташлаш йўлидан эмас, балки бола ҳулқ-атворидаги жаҳилни юмшатиш, болага яхши томондан таъсир қилиш

ишларини олиб бориш талаб қилинади. Бундан ташқари, ота-оналарни боладаги ўзгаришларга тайёрлаш керак. Ўзга ҳолатда, агар жаҳли тезлик бола шахсини эмоционал- мотивацион соҳасидаги бузилиш бўлса, уни бола хулқ- атворидан йўқотиш йўлидани бормоқ лозим. Жаҳлитезликни йўқотиш йўлида қўлланиладиган психокоррекцион усуллар уни келтириб чиқарган сабабларининг характериға боғлиқ. Коррекцион методларни танлашда конкрет ходисадан ва конкрет боладан келиб чиққан ҳолда танлаш керак бўлади. Биз жаҳли тезликка таъсир қилишнинг қуйидаги бир қанча йўллариға тўхталиб ўтамиз:

1. Неврозни инкор қилиш ва атрофдагиларға унга эътибор қилмасликларини таъкидлаш.
2. Жаҳилдор ҳаракатни ўйин кўринишиға кўчириш ва унга янги ижтимоий-эмоционал маъно сингдириш. Унда биз боланинг атрофдагилар билан бўладиган муомаласиға зарар етказмасдан мақсадимизға эришишимиз мумкин (“қароқчилар” ўйинида сер жаҳил болага қароқчи ролини берилади ва х. к)
3. Жаҳл билан қилинаётган ҳаракатларни таъқиқлаш керак.(жаҳл қилмасликка болани ўргатиш).
4. Тарбиячи ёки психолог ўйин кўринишида, кўрқув замирида ётадиган жаҳилни боланинг ўзига англатиш зарур.
5. Психодрамма. Ихтиёрий кўринишда жаҳлни чиқариш ва ўйин сўнгида жаҳлни сўндириш. Бунда бола ўзидаги пайдо бўладиган жаҳилға эътиборини қаратади ва уни йўқотиш малакасини шакиллантиради.

ХУЛОСА

Боладаги неврозни йўқотишда уни келтириб чиқарган сабабларини топиш энг қўл келадиган усул ҳисобланади. Сабаблар – ирсий (асли ота-онадан ўтган), физиологик(нерв системасининг типи, темперамент), психологик (ота-оналар билан бола ўртасидаги муомала), ижтимоий (жамиятда ўз ўрнини топа олмаслик) кўринишларидан бири бўлиши мумкин. Болага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим. Унинг руҳиятиға зарар етказиб қўйишдан сақланинг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Е.И. Рогов. Настольная книга практического в образовании М. “Владос” 1996
2. Ж.Годфруа Что такое психология. Том 2 М. «Мир» 1992

Болалар тафаккурини ривожлантириш

Болалар тафаккурини ривожлантириш ҳар бир ота-она, педагог ва тарбиячи олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Болаларда тафаккурнинг ривожланиши ўта интенсив кечади. Мана шу интенсив тараққиётни янада жадаллаштириш мумкин. Бунинг учун махсус психологик машқларни болалар билан амалға оширилса, улардаги тафоккур ва нутқ ривож кескин ошади. Шунинг учун биз қуйида эътиборингизға бир қанча болалар

тафаккури ривожига ижобий таъсир қилувчи психологик машқларни ҳавола қиламиз.

Болалар тафаккурини ривожлантириш усуллари:

1-машқ : “Савол – жавоб”.

Ўйин учун материал сифатида муаммоли мазмунга эга бўлган исталган сурат олинади. Ўйин ёшга ва вазиятга боғлиқ ҳолда турли хил ўтказилади. Кичик мактаб ёшидагилардан улар нимани билишни истаса ўшани сўрашлик талаб қилинади. Агар бола саволга жавоб бермаса, у ютказади. Ўсмирлар ўйинни ўзро ҳам ўйнаши мумкин.

Ўқувчи ҳамма нарсани сўраб бўлгач, сурат бўйича кичик ҳикоя тузиш ундан сўралади. Шу ўринда бола қандай саволларга жавоб беролгани, қандайларига жавоб беролмаганига эътибор берилади. Шунингдек, саволларнинг характериға, осон – қийналиб жавоб берилишиға ҳам эътибор берилади.

2-машқ: “ Номаялумға калит”

1. Кичик мактаб ёшидаги болалардан ўқитувчи кўлиға нимани яширганлигини сўрайди. Ўша нарсани аниқлаш учун улар савол беришлари мумкин, ўқитувчи жавоб беради. Ўқитувчи “саволлар номаялум нарса яширган хонанинг калити” деб тушунтиради. Ҳар бир калит маълум эшикнинг калити: Бундай калитлар кўп. Ҳар бир шундай топшириқлар (дарс давомида беш дақиқалик дам олиш сифатида ҳам ўтса бўлади) икки – учта “калит” таклиф қилинади (масалан: “тури”, “хусусиятлари”, “таъсири”, “ўзгариши” ва х.к .) Болалар шу “калитли сўзлардан” фойдаланиб савол беришлари зарур: қандай турға тааллуқли ? Унинг қандай хусусиятлари бор?

2. Ўсмир ёшдаги болаларға предметнинг ўрниға катта қизиқиш билан қилинган сурат ёки фотосурат таклиф қилинса бўлади. Муҳими улар ташқи жиҳатдан қандайдир маълум предмет ёки ҳодисани эслатсин. Шу билан биргаликда у бир қанча қарама –қарши деталларни ўзида мужассам қилсинки, токи унда нима тасвирланганлигини аниқлаш қийин бўлсин. Тушунарсиз объектнинг тасвирини аниқлашда қуйидаги саволлардан фойдаланса бўлади:

1. Бу қандай ҳодисаға тааллуқли?
2. Нимаға ўзгарипти?
3. Унга нима таъсир қилипти?
4. Қандай хусусиятға эга? ва х.к.

Мутлақо нотаниш объектнинг тасвири олдингизда турибди, деб тасаввур қилинг. Унинг нималигини билиш учун сиз қандай саволлар берардингиз?

3-машқ: “Ўхшашлик ва фарқ “

Ўқувчилардан предмет ва тушунчаларни ўзаро қиёслаш сўралади. Кичик мактаб ёшдагилар учун яхши таниш бўлган предметларни қиёслаш сўралади: сут ва сув, сигир ва от, самолёт ва поезд. Уларнинг тасвиридан ҳам фойдаланса бўлади: сурат ва фотосурат, тонг ва кеч, муҳаббат ва

нафрат. Тўғри жавобларнинг, хатоларнинг миқдорини, ўхшаш ва фарқли белгиларнинг ўзаро муносабатини, белгиларнинг хусусиятларини (ташқи, функционал, синф – тур муносабатлари ва х.к.) аниқланг. Қиёсан энг кўп асосни айтган ва энг сўнгги белгини айтган ютади.

4- машқ: “Нима янги ?”

Предметларнинг ички, кутилмаган сифатларини аниқлаш учун предметга бир назар ташлаб қўйиш лозим бўлади. Масалан, гугурт нафақат ёнади ва ёритади, балки шу билан бирга размери ва оғирлиги камаяди. Сув, суюқлик, бироқ шу билан бирга музлаганда қурилиш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқувчилардан оддий предметларнинг кутилмаган сифатларини очиш сўралади: полиэтилен қопқоқ, михлар, музқаймоқ ва х.к. Нисбатан кутилмаган, турли хил, кўп сонли хислатлар алоҳида таъкидланади.

5-машқ: “Адашаётган ўқитувчи”

Ўйинни олиб боровчи ўқиш жараёнида, турли гапларни исботлаётганда (шу жумладан математик қоидаларни)билиб туриб хатога йўл қўяди. Қолганлар ўша хатоларни топиб тўғрилаш учун доимий тайёр туришлиги зарур бўлади. Шу билан бирга ўз фикрини асослаши керак. Бунинг учун бутун бошли матнлардан фойдаланилса бўлади.

6-машқ: “Хато”

Матнда хато кетган-битта кичкинагина сўз тушиб қолдирилган. Шу битта сўзни деб бутун матн мазмуни ўзгариб кетган. Ўша сўзни топинг ва хатони туғриланг.

7-машқ: “Гап тузиш”

Маъно жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган учта сўз таваккал танланади. Масалан, “кўл”, “қалам”, “айиқ”. Мана шу учта сўз қатнашган иложи борица кўпроқ гап тузинг. Бунда уч хил жавобни фарқлаш мумкин: жўн гап, мураккаб гап, ижодий ёндашилган гап.

Бу ўйинда ўқитувчи жавобларнинг миқдори ва сифати ўртасидаги “олтин оралик”ни топиши зарар. Бир томондан, қанча кўп гап тузганни, иккинчи томондан ўз ишига ижодий ёндашганни рағбатлантириб туриш лозим. Мазкур ўйинлар самарадорлигининг зарурий шarti ўйинчилар билан жавобларни қиёслаш ва муҳокама қилиш. Ўқувчиларга ўзига ёққан гапларни нима учун ёққанлигини тушунтириб бериш зарур. Бу топшириқ образлар яратишга ўқувчиларни ўргатади.

8-машқ: “Ўхшашини излаб”

Қандайдир предмет ёки ходиса айтилади. Масалан, “вертолёт” Шу предметга маълум белгилари билан ўхшаш бўлган ўзга предметлар иложи борица кўпроқ айтилади. Бундан ташқари, мазкур ўхшаш предметларни маълум бир тартиб билан системага солиш талаб қилинади. Масалан, “қуш” ва “капалак” деб айтиш мумкин. (учади ва қўнади), “автобус” ва “поезда” (транспорт воситалари)ва х.к. Ким энг кўп миқдорда ўхшаш предметларни айтса, ўша ғолиб бўлади.

Топшириқ предметларнинг хусусиятларини аниқлаш, белгиларни таснифлаш қобилиятини ривожлантиради.

9-машқ: “Қарама –қарши предметларни излаш”

Қандайдар предмет, масалан, “уй” айтилади. Шу предметлардан иложи борица кўпроқ айтилади. Шу билан бирга предметнинг турли хил белгаларга эътибор берилади ва гуруҳлар бўйича қандай системалаштириладилигига қаралади. Масалан, “сарой” сўзини олайлик. (У “уй”га ҳажми жиҳатдан қарама-қарши). “Вокзал” (ўзиники ва ўзганики). “Дала” (очиқ ва ёпиқ фазо) ва х.к. Кимда –ким қарама-қарши предметлардан қанча кўп айтса, ўша ютади. Шу билан бирга жавобларни тушунтириб бериш керак. Топшириқ предметларни қиёслашга, янги хусусиятларни топишга қаратилган.

10 машқ: “Боғловчи занжирларни излаш”

Иккита предмет, масалан, “кетмон” ва “автомобиль” сўзлари берилган. Биринчи предметдан иккинчи предметга ўтишда “боғловчи кўприк” ролини бажарувчи предметнинг номини айтинг. Иккала предмет ўртасидаги предмет уларни мантиқан боғлаш зарур. Масалан юқоридаги мисолда “эксковатор” иккаласига ҳам алоқадор. (“Кетмон”га функцияси бўйича, “автомобил”га транспорт воситалиги). Бу ўйинда ўртадаги занжир-предмет аниқ тушунтириб берилиши, асосланиши талаб қилинади. Кимда-ким энг кўп асосланган “занжир”ларни топса ўша ғолиб саналади.

11 машқ: “Ортиқча сўзни олиб ташлаш”.

Исталган учта сўз олинади, масалан, “ит” “помидор”, “қуёш”. Қандайдир маънода бир–бирига ўхшаш бўлган сўзлар қидирилиб, мазкур маъно бўйича “ортиқча” ҳисобланган сўз олиб ташланади. Кимда – ким қанчалик кўп ортиқча сўзларни топса, ўша ғолиб бўлади. Шу билан бирга оригинал, ўзига ҳос белгилар бўйича классификация қилиш сўралади. Масалан, юқоридаги сўзларда “ит” ортиқча сўз. Чунки “помидор” ва “қуёш” думалоқ.

12 машқ: “Фикрни ўзга сўзлар билан ифодалаш”

Мураккаб бўлмаган жумла олинади, масалан, “бу йилги ёз жуда иссиқ бўлади” Шу фикрни бир қанча вариантда ўзга сўзлар билан ифодалаш талаб қилинади. Шу билан бирга мазкур сўзлар ўзга гапларда қатнашмаслиги керак. Гапнинг маъноси ўзгариб кетмаслигини кузатиб туриш керак. Кимда-ким шунга ўхшаш бошқа вариантлардан кўпроқ айтса, ўша ғолиб саналади.

Хулоса

Юқорида келтирилган машқлар болаларнинг ижодий тафаккурини ўстириш билан, уларда нутқни ривожлантиради. Уларни имкони борица мутахассислар ўтказгани маъқул. Маълум малакага эга бўлган ота – оналарга ҳам руҳсат берилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Е. И. Рогов Настольная книга практического психолога в образовании. М. “Владос” 1996.
2. Тарқатма материал. Юқорида кўрсатилган амалий усуллар ўқитувчилар малакасини ошириш таълим маркази методисти психология фанлари номзоди Э.Сатторов томонидан ишлаб чиқилган.

Мундарижа:

Муқаддима.....	3
Биринчи машғулот.....	4
Иккинчи машғулот.	6
Учинчи машғулот.....	7
Тўртинчи машғулот.....	8
Бешинчи машғулот.....	10
Олтинчи машғулот.....	11
Еттинчи машғулот.....	13
Саккизинчи машғулот.....	14
Тўққизинчи машғулот.....	15
Амалий-лаборатория машғулотларини ўтказиш юзасидан умумий методик кўрсатмалар	17
Биринчи лаборатория машғулотлари.....	17
Иккинчи лаборатория машғулот (амалий).....	20
Учинчи лаборатория машғулотлари.....	23
Тўртинчи лаборатория машғулотлари.....	25
Бешинчи лаборатория машғулотлари.....	26
5-7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлигини текшириш дастури.....	28
Психологик - педагогик ташҳис дастури ва уни ташкил қилиш.....	31
Бўлғуси ўқитувчиларга ўқувчилар билан бўладиган муносабатларда педагогик-психологик коррекциялаш усуллари.....	59